

SAIGA NEWS

Сайғоқни асраш бўйича альянс бюллетени



Экология ва сайғоқ муҳофазаси масалалари бўйича ахборот алмашиш учун 6 та тилда нашр қилинади



Қишки кийимдаги шохдор. Евгений Полонскийнинг фотосурати

Мундарижа

Махсус мавзу

Милнер-Гулланд Э. Дж. *Saiga tatarica* турини CITESнинг II-иловасидан I-иловасига ўтказиш таклифи тўғрисидаги мулоҳазалар

Янгиликлар

Межнев А.П. Сайғоқ – CITES майдонларида

Цутер Ш. Қозоғистондаги сайғоқларнинг 2018 йилдаги авиа ҳисоби натижалари

Есказыулы Р. Устюрт сайғоғини сақлашга янги ёндашув

Чимеддорж Б. ва бошқалар. Мўғулистонда сайғоқларнинг ноқонуний овланиши

Калмыкова Г.А. Келгинди

Самтанова Е.А. Қримда ёш экологларнинг йиғини

Гайдукова Т. А. «Тикланиш» – олдинга!

Филиппова А.В., Лешина Е.В. Астрахань вилоятида сайғоқларни сақлаш бүйича ўқув семинари бўлиб ўтди

Инжиева Г.Д. “Сайғоқча изидан” экологик макети амалда

Матбуотдан

Мўғул сайғоқларини қаттиқ қиш кутмоқда

Пластик мўғул сайғоқлари учун хавф туғдиради

Украинада сайғоқни кўпайтириш учун янги парваришхона ташкил этилди

Мақолалар

Родникова А.Ю. ва бошқалар. Шимолий-Ғарбий Каспийбўйи сайғоқ популяцияси динамикасининг индивидуумга йўналтирилган модели

Гилёв А. Н., Каренина К. А. 2018 йил кузда Астрахань вилояти «Степной» қўриқхонасидаги артезиан сув омбори яқинида сайғоқ гуруҳининг ёш ва жинс таркиби

Быкова Е.А., Есипов А.В. Возрождение оролидаги сайғоқлар тарихи

Милнер-Гулланд Э. Дж. Менинг буюк ишларимга, барча замон, мамлакат ва денгизлар Хукмдорининг ишларига назар солинг: Орол денгизи – оптимизм учун асосни қаердан топамиз?

Миноранский В.А. «Чўлнинг тирик табиати» ассоциациясининг сайғоқларни тутқунликда боқиш тажрибаси

Янги нашрлар

Сайғоқларни сақлаш – улар учун ҳаёт мазмуни: Ерлан Нургалиев, Қазақстан

Бизнинг йўқотишларимиз: Анатолий Хлуднев

Таҳририят ҳайъати: **Буюк Британия:** проф. Э. Дж. Милнер-Гулланд [[муҳаррир-маслаҳатчи], Лондон Империял коллежи (e.j.milner-gulland@zoo.ox.ac.uk). **Қозоғистон:** Ю. Грачев ва проф. А. Бекенов, Зоология институти (teriologi@mail.ru). **Хитой:** Гуйхон Джан Куйлонг таълим ўқув маркази (guihongzhang@foxmail.com) ва проф. Чжиган Цзян, Зоология институти, Хитой ФА (zhigangjiang@vip.sina.com). **Мўғулистон:** Б. Лхагвасурен, МФАнинг Умумий ва экспериментал биология институти (lkhagvazeer@gmail.com) ва Б. Чимеддорж, WWF-Мўғулистон (chimeddorj@wwf.mn). **Россия:** А. Луцкекина, Россия Фанлар академиясининг Экология ва эволюция муаммолари институти (saigak@hotmail.com) ва проф. Ю. Арылов, Қалмоғистон Республикаси Ёввойи табиат маркази (saiga-center@mail.ru). **Ўзбекистон:** Е. Быкова [масъул муҳаррир] (ebykova67@mail.ru) ва А. Есипов, ЎзР ФА Зоология институти (esipov411@gmail.com). Д. Адилова дизайни (4dinaa@gmail.com).

Сизни материалларни олтита тилнинг исталган қисмига юборишингизни таклиф қиламиз. Илтимос, уларни ebykova67@mail.ru ёки муҳаррирлардан бирига юборинг. Бюллетен йилига икки марта чиқарилади. Инглиз ва рус тилларидаги муаллифлар учун қоидаларни www.saiga-conservation.com да топиш ёки таҳририятдан сўров бүйича олиш мумкин. Агар сизда бирон бир савол бўлса, илтимос, мамлакатингиздаги Saiga News муҳаррири ёки масъул муҳаррир Елена Быкова билан боғланинг (ebykova67@mail.ru). Ушбу нашр онлайн тарзда www.saigaconservation.org, www.saiga-conservation.com ва www.saigak.biodiversity.ru/publications.html ҳавола орқали ёки сўроқ бүйича инглиз, қозоқ, хитой, мўғул, рус ва ўзбек тилларида муҳаррирларнинг босма нусхаси сифатида олиш мумкин.

Махсус мавзу

Saiga tatarica CITESнинг II-иловасидан I-иловага ўтказиш таклифи тўғрисидаги мулоҳазалар

Милнер-Гулланд Э. Дж. Сайғоқни сақлаш бүйича альянс ej.milner-gulland@zoo.ox.ac.uk

Ушбу мақола сайғоқни сақлаш бүйича Альянснинг расмий позицияси эмас, балки муаллифнинг шахсий фикри. Унинг мақсади ўқувчиларга CITES жараёнини ва сайғоқни сақлаш учун Конвенциянинг аҳамиятини тушунишга ёрдам бериш.

CITES жараёни ҳақида қисқача маълумот

CITES Томонлар Конференцияси (Conference of the Parties – CoP) – CITES қарор қабул қилувчи орган бўлиб, CITES таркибига қўшилган давлат-томонларнинг вакиллари, биологик ва тижорат мезонлар тўпламидан фойдаланиб, маълум бир биологик турнинг шароитга мос келадими ёки йўқлигини аниқлашга ёрдам беради. CITES мазкур маълумотлар асосида уни I-ёки II-иловага киритади. Ҳар бир CoP дан олдин томонлар (масалан, давлат ҳукумати) юқорида келтирилган мезонлар асосида иловаларга тузатишлар киритишни таклиф қиладилар. Ушбу таклифлар Томонлар Конференциясида муҳокама қилинади ва бир овоздан қабул қилинади ёки овозга қўйилади.

I-иловада йўқ бўлиб кетиш хавфи бўлган турлар мавжуд бўлиб, уларнинг савдосига фақат алоҳида, тижоратдан фойда олиш асосий мақсад бўлмаган ҳолатларда рухсат этилади, II-илова тўғридан-тўғри йўқ бўлиб кетиш хавфи остида бўлмаган, аммо турларнинг сақланиб қолишига тўсқинлик қиладиган хавф миқёси ўсишининг олдини олиш мақсадида савдоси назорат қилиниши керак бўлган турларни ўз ичига олади.

Иловаларга ўзгартиришлар киритиш бүйича таклифлар фақат CITES аъзолари бўлган давлатлар ҳукуматларидан қабул қилинади, шунингдек бир вақтнинг ўзида бир неча томонларнинг кафолатли бўлган таклифлари ҳам қабул қилинади. Бундан ташқари, таклифлар CITES томонларининг қўллаб-қувватлаши учун ареалнинг камида битта мамлақати ушбу таклифнинг тарғиботчиси сифатида иштирок этиши талаб этилади.

Таклиф тавсифи

Мўғулистон ва АҚШ 2018 йил декабрь ойида 2019 йил 23 майдан 3 июнгача бўлиб ўтиши керак бўлган 18-сонли CITES Томонлари конференция-

сига (CoP18) *Saiga tatarica*ни II-иловадан I-иловага ўтказиш тўғрисидаги таклиф билан чиқишди (https://cites.org/sites/default/files/eng/cop/18/prop/020119_d/E-CoP18-Prop_draft-Saiga-tatarica.pdf). MCOП ва Сайғоқни сақлаш бүйича Альянс сўнги генетик маълумотларга асосланиб, мўғул сайғоғи *S. tatarica* (*S.t. mongolica*) нинг кенжа тури ҳисоблашига қарамасдан, CITES уни алоҳида тур сифатида *Saiga borealis* турига ажратади. Шундай қилиб, афсуски, таклиф ҳозирги вақтда мўғул сайғоғига таъсир қилмайди.

Иккала кичик категория тўғрисида гап кетганда, CITES ва КМВ (Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвучи турларини сақлаш бүйича конвенция) кенг тарқалган *Saiga spp* атамасини ишлатади.

Ҳозирги вақтда сайғоқ қандай статусга эга?

Saiga spp. 1995 йилдан бери CITESнинг II-иловасида жойлашган. Ҳозирги вақтда барча ареал мамлакатлари ўз ихтиёри билан сайғоқ маҳсулотлари билан савдо қилишга мораторий қўйишди ва сайғоқ ҳамда унинг қисмлари, қурамалари ови ва ички савдосини назорат қилувчи қатъий қонунларни қабул қилдилар. Шу сабабли, улар CITES назорати остида қонуний савдони имконсиз қиладиган экспортга рухсат бермайдилар. Ушбу ҳолат бир неча йилдан бери давом этмоқда (турли мамлакатларда турли хил шартлар мавжуд).

Бир тўплам сайғоқ шохларини (баъзан жуда катта) чегарадан олиб ўтишга уруниш вақтида қўлга олинган ёки ареалнинг қандайдир мамлақатида браконьерлардан конфискация қилинган вақтлар бўлган (*Saiga News*, 21-мақоладан намуналарни топиш мумкин).

2015 йил 30 октябрда жуда катта – 5 тоннадан ортиқ сайғоқ шохлари тўплами хитойлик чегарачилар томонидан қўлга олинган. Аниқки, ноқонуний халқаро савдо давом этмоқда. 2015 йилда

Махсус мавзу (давоми)

КМВнинг ўзаро англашув меморандуми томонларнинг учрашувида Сингапур ва Хитой вакиллари шохларнинг йирик захиралари мавжудлиги тўғрисида маълумот бердилар. Шундай қилиб, Сингапурда Хитойнинг анъанавий дори воситаларининг турли хил улгуржи ва чакана сотувчиларида конвенция имзоланишидан (1995 йилгача) олдин сотиб олинган 20 тоннагача шохлар сақланмоқда. Мазкур маълумотлар мунтазам товарларни текширадиган ва ҳисобга оладиган, дилерлар томонидан реализация қилинган, чет элда сотилганларини захиралар ҳисобидан чиқарадиган СИТЕСнинг Сингапур Административ органлари томонидан рўйхатга олинган.

Хитой вакиллари маълумот беришича, мамлакатда хусусий мулк сифатида шохларнинг захираси мавжуд. Бундай захираларни рўйхатдан ўтказиш қонун билан талаб этилмайди, шунинг учун уларнинг ҳажми номаълум. Сингапурда сайғоқ шохларидан тайёрланган маҳсулотларга талаб катта (*Theng et al. – қуйида берилган*), шунинг учун савдо-сотиқ турли йўллар билан, шу жумладан, интернет орқали амалга оширилади Дж. Лама (23-сонли Saiga News, Дж. Лама мақоласи).

Сайғоқ бүйича СИТЕСнинг сўнгги қарорлари 2016 йилда 17-сонли Томонлар Конференциясида (CoP17) қабул қилинди (<https://www.cites.org/eng/dec/valid17/81889>). Ушбу қарорларга мувофиқ, сайғоқ бүйича КМВ англашув меморандуми қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш учун



Сайғоқ урғочиси озикланмоқда. Евгений Полонскийнинг фотосурати

мамлакатлар биргаликда ишлашлари керак. Шунингдек, уларга сайғоқ шохлари мавжуд бўлган маҳсулот захиралари устидан назоратни, ноқонуний савдога қарши курашни кучайтириш ва сайғоқ шохларига бўлган талабни камайитириш бүйича иш олиб бориш топширилди.

2018 йил 1 октябрдан 5 октябргача СИТЕСнинг доимий қўмитасининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда CoP17да сайғоқ бүйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилиш самарадорлиги муҳокама қилинди (*қуйида А.Межневнинг шарҳига қаранг*). Ареалнинг кўп мамлакатлари ва сайғоқ маҳсулотларини кўп истеъмол қиладиган мамлакатлар ушбу қарорларнинг бажарилиши юзасидан ҳисобот тақдим этдилар. Унинг натижасида қуйидаги асосий хулосалар чиқарилди:

- ҳозирги вақтда халқаро бозорда сайғоқ маҳсулотларининг аҳамиятсиз қисмигина халқаро бозорда қонуний равишда сотилмоқда, шу билан бирга қонуний савдо фақат сайғоқнинг ареал (истеъмол қилувчи мамлакатлар) мамлакатлари бўлмаган осие давлатлари билан чегараланади;
- барча Томонлар истисносиз КМВнинг ўзаро англашув меморандуми шартларини қўллаб-қувватлашни давом эттиришлари жуда муҳим;
- СИТЕС котибияти Ўзаро англашув меморандуми томонларини сайғоқ маҳсулотлари бозоридаги ҳолат тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда бериб туриши билан қўллаб-қувватлашни давом эттириши лозими.

Saiga spp I-иловага ўтказиш учун зарур бўлган мезонларга жавоб берадими?

I-иловага киритишнинг асосий мезони бу мазкур турга савдонинг бўлиши мумкин бўлган ёки мавжуд бўлган салбий таъсиридир. *Saiga tatarica* – бу шубҳасиз савдо маҳсулотидир. Ареал мамлакатларида сайғоқ маҳсулотларининг қонуний савдоси йўқлигига қарамай, истеъмолчи мамлакатлар ўзаро савдо-сотиқни давом эттирмоқдалар. 2015-2016 йилларда Хитой, Гонконг ва Япония шохларни экспорт қилувчиларга айланишди ва шу даврда Хитой анъанавий дори-дармонлари Япония ва Сингапурга келтирилди. 2016 йилда (сўнгги маълумотлар) Хитойдан Японияга 330 кг анъанавий хитой медицина препаратлари, Сингапурга эса 11

Махсус мавзу (давоми)

кг шохлар ва 150 кг медицина дори-дармонлари юборилган. Ареал мамлакатлари ичида, шунингдек ареал мамлакатлари чегара таможня постларида браконьерлик ва товарларни қўлга олиш тўғрисидаги кўплаб воқеалар ноқонуний савдонинг мавжудлиги ҳақида аниқ кўрсатмоқда.

Saiga spp умуман ва *Saiga tatarica* қисман (СИТЕС томонидан аниқланган тур) I-илованинг 1-қўшимчаси С параграфига ўтказиш учун биологик мезонларга жавоб беради деган шубҳа бор – «Табиатда популяциянинг сезиларли камайиши ҳозирги вақтда давом этмоқда ёки бунда ўтмишнинг ўрни бўлган (шундай бўлсада, популяцияни тиклаш мумкин)». Ҳозирги вақтда *Saiga spp* дунё популяцияси қисқармаяпти; Бундан ташқари, МСОПнинг сўнгги баҳолашига кўра (2018 йил февраль <https://www.iucnredlist.org/species/19832/50194357>) унинг аҳволи шундай яхшиландики *Saiga spp* “ўта хавф остида” гилар туркумидан (Critically Endangered) “хавф остидагилар” туркумига ўтказиш (Endangered) ҳақида сўз бормоқда; “5 йил қоидаси”га биноан статусда ўзгариш 2020 йилда амалга ошади, агар популяция ҳолати ёмонлашмаса. Бироқ, таҳдидлар (браконьерлик, инфратузилма ёки касаллик) кўпайган тақдирда популяциянинг камайиши эҳтимоли мавжуд.

Ҳозирги вақтда мўғул сайғоғининг популяцияси бошқа популяцияларга қараганда бирмунча ёмонроқ аҳволда: яқинда кўплаб ҳайвонлар касаллик тарқалиши туфайли нобуд бўлишди, бундан ташқари, чорва моллари томонидан сайғоқларга озиқ-овқат рақобатдоши сифатида қаттиқ босим ўтказилмоқда ва улар кўпинча қаттиқ қиш пайтида нобуд бўлмоқда (“*Saiga News*”нинг ушбу сонидagi янгилликларга қаранг). Сўнгги 2 йил ичида мўғул популяцияси кескин камайиб кетди. Шундай қилиб, мўғул сайғоқлари А ва Б мезонларига мувофиқ I-иловага ўтказилишига даъвогар бўлиши мумкин (популяциянинг кичиклиги/ареалда яшаши; сонининг қисқариши, ташқи омилларга таъсирчанлиги, бир/бир нечта ҳудудлар/популяциялар).

Шуни таъкидлашни истардимки, фақат ушбу тоифадаги мезонларга жавоб бериши асосига кўра тур тоифасини кўтармаслик керак. Менимча, янада талабчан рўйхатга ўтказиш бүйича таклифни агарда бу турни ҳимоя қилишга ижобий таъсир

кўрсатсагина амалга ошириш керак.

Сайғоқнинг расмий ҳолати агарда у I-иловага ўтказилса қандай ўзгаради?

Агар ушбу савдонинг асосий мақсади тижорат фойдасини олиш бўлса, тирик ҳайвонлар ёки уларнинг маҳсулотлари халқаро савдоси таъқиқланади. Бу ички савдога ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Тирик ҳайвонлар савдоси тижорат фойдаси мақсадида олиб борилиши фақат бу билан шуғулланадиган ташкилот СИТЕС Котибиятида Томонлар Конференциясининг 12.10 кўрсатмасига мувофиқ рўйхатдан ўтган бўлсагина амалга оширилади. Ҳозирги вақтда СИТЕС ташкилотида рўйхатдан ўтган, сайғоқларни тутқунликда кўпайтириш билан шуғулланадиган ташкилотлар мавжуд эмас.

Спорт овларида қўлга киритилган ўлжаларни олиб кириш ва олиб чиқиш аввалгидек, тегишли рухсатларнинг мавжудлиги шарти билан рухсат берилади (сайғоқлар бундан мустасно).

Сайғоқларнинг қисмлари ва сайғоқ маҳсулотларининг халқаро савдоси агарда ушбу савдонинг асосий мақсади тижорат фойдасини олиш бўлса таъқиқланади.

Бу медицина препаратлари ва шохларнинг савдосига таъсир кўрсатади, улар ҳозирда истеъмолчи мамлакатлар ўртасида нисбатан кичик миқёсда бўлиб ўтмоқда.

1995 йилгача расман тўпланган захираларига эга мамлакатлар, ушбу захиралардан тайёрланган маҳсулотлар билан савдо олиб боришлари мумкин (Конвенция имзоланганича); СИТЕС ички савдога ҳеч қандай таъқиқ киритмайди.

Ареал мамлакатлари ихтиёрий равишда халқаро савдога мораторий эълон қилган ва сўнгги йилларда уни расман ўтказмаганларига қараганда, мораторийнинг ихтиёрий характери мажбурийга алмашади.

Агарда сайғоқ I-илованинг мезонларини қониқтирмай қўйса, унда уни юқорида келтирилган жараёнга мувофиқ II-иловага қайтиб ўтказишни кўриб чиқиш бүйича CoPга таклиф киритиш лозим бўлади. Фақат шу йўл ёввойи табиатнинг сайғоқлари ва унинг маҳсулотлари билан тижоратдан фойда

Махсус мавзу (давоми)

олиш учун қонуний халқаро савдони тиклаш мумкин бўлади.

Сайғоқларни I-иловага ўтказишда яна қандай қийинчиликлар юзага чиқиши мумкин?

Сайғоқ маҳсулотларини истеъмол қилувчи мамлакатларда талаб даражаси шундай юқорики, уни сунъий наслчилик билан на ҳозир, на яқин келажакда таъминлаш мумкин. Биз истеъмолчиларнинг на характери, на уларнинг мақсади ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмаганлигимиз учун сайғоқларни I-иловага ўтказиш натижасида талаб даражаси кўтариладими (спекулятив ҳаракатлар ёки товарларнинг камлиги) ёки пасаядими (тахдид қилинаётган тур статусини чуқурроқ тушунишга кўра) маълум эмас.

Ҳозирги пайтда фақат битта нисбатан катта сайғоқларни тутқунликда кўпайтирилган парваришхона фаолият кўрсатмоқда — бу 600 га яқин ҳайвонлар сақланадиган Украинадаги Аскания-Нова (<http://saiga-conservation.org/wp-content/uploads/2017/09/CBW-meeting-report.pdf>). Қолган парваришхоналар сайғоқ маҳсулотларини сотиш учун етказиб бериш имконлари ёки вазифалари йўқ. Хитой сайғоқларни уларнинг тарихий ареалига реинтродукция қилиш режасини ишлаб чиқмоқда. Бу жараён жуда кўп вақтни олади ва Хитойда популяция яқин ўн йилда (ёки умуман қачондир) ички талабни қондириш даражада ошиши даргумон.

Шундай қилиб, ўрта ёки узоқ муддатда, қонуний захираларнинг камайиши ва сайғоқ парваришхоналирининг йўқлиги билан истеъмолчи мамлакатларда мавжуд бўлган сайғоқ маҳсулотининг қонуний захираси ҳажми охир-оқибат нолга тушади. Шунинг учун ушбу қарор кейинги 10 йил ичида сайғоқ маҳсулотларини истеъмол қилишни деярли бутунлай тўхтатишга олиб келади (ҳозирги вақтга аниқ маълумотлар бўлмаган Хитой ва Сингапурда емирилиш даражаси ва захираларининг ҳажмига боғлиқ).

I-иловага киритишнинг фойдали жиҳатлари

Бу дунё даражасида сайғоққа кўпроқ эътиборни жалб қилиши ва ушбу турни сақлаш яхшироқ молиялаштирилиши мумкин.

Бу ареал мамлакатларида сайғоққа кўпроқ эъти-

борни жалб қилиши мумкин (гарчи у шундай ҳам етарлича диққат марказида бўлса ҳам) ва бу ареал мамлакатлари ичида ҳам, бу мамлакатларнинг чегарасида ҳам қонунчилик базасини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши мумкин.

Бу истеъмолчи мамлакатларда захираларнинг мониторинги ва назоратини кучайтиришга, ноқонуний сайғоқ маҳсулотларини аниқлашга ҳамда қонунларнинг бажарилишини таъминлашга ундаши мумкин. Истеъмолчи мамлакатлар қаттиқроқ жазо чораларини қўллашлари, қонунларга яхшироқ риоя этишлари ҳамда I-иловада келтирилган турларнинг ноқонуний савдоси билан боғлиқ жиноятчиларни аниқлашлари мумкин.

Бу истеъмолчиларни, масалан, ички бозорда сайғоқ маҳсулотларини сотишни таъқиқлаш орқали уларга бўлган талабни камайитириш чораларини кўришга ундаши мумкин.

Бу ҳукуматларни янги (одатда ноқонуний) бозорларни яратишга, шунингдек, Хитой веб-сайтларида сотиладиган «қонли қимматбаҳо буюмлар» (23-сонли Saiga News, Дж. Лама мақоласи) ва сайғоқ маҳсулотларини анъанавий истеъмол қилмайдиган мамлакат (масалан Вьетнам, Лаос) бозорларида учрайдиган шохлар савдосига қарши курашишга ундаши мумкин. Шунингдек, тирик ҳайвонларнинг савдоси ҳам муаммо бўлиши мумкин, гарчи улар тутқунликда ўстирилган ва уларнинг савдоси ҳозирда қонуний (ёки ҳеч бўлмаганда ноаниқ) мақомга эга бўлса ҳам. Яқинда Европада тирик ҳайвонлар савдоси қайд этилди (Украинадан келтирилган бўлиши керак). Сайғоқнинг I-иловада мавжудлиги СИТЕС иштирокчилари бўлган импорт қилувчиларни (масалан, Европа Иттифоқи мамлакатлари ва бошқа давлатларни) четдан киритишга рухсат беришда эҳтиёт бўлишга ва бошқа ҳолларда тарқатишга умуман рухсат бермасликка мажбур қилади.

I-иловага киритиш билан боғлиқ муаммолар

Ҳозирги вақтда сайғоқ учун асосий хавф инфратузилма (тўсиқлар, темир йўллар, қувурлар), касалликлар ва браконьерликдир (КМВ МоВнинг сайғоқ тўғрисидаги умумий ҳисоботида қаранг). Браконьерлик кўпинча шохларни қўлга киритиш ва уларни чет элга сотиш учун эмас (мусодара қилинган шохлар бўйича фикр юритадиган бўлсак, уларнинг

Махсус мавзу (давоми)

чегара орқали олиб ўтилиши давом этмоқда), балки гўштнинг ички истеъмоли учун қилинади. Сайғоқни I-иловага ўтказиш барча муаммоларни ҳал қилишга етарли ёрдам бера олмайди.

КМВ ва СИТЕС томонидан биргаликда ишлаб чиқилган ва мувофиқлаштирилган, барча ареал мамлакатлари ҳамда қатор НПОлар томонидан имзоланган, яхши қамраб олинган ўзаро англашув Меморандуми билан сайғоқларга ареал мамлакатларида ва дунё бўйлаб, халқаро миқёсда миллий даражадаги устувор тур сифатида катта эътибор берилмоқда. Ушбу англашув меморандуми 2020 йилгача бўлган давр учун ишлаб чиқилган Устувор (Medium Term International Work Programme — MTIWP) ўрта муддатли халқаро ишчи дастурини ўз ичига олади. Белгиланган муддат тугаганидан кейин янгиланади. MTIWP атроф-муҳит муҳофазасини

бир қатор мамлакатлар ва уларнинг ҳукуматлари ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро молия томонидан таъминланадиган механизм сифатида яхши ишлайди. Ҳозирги вақтда I-иловага киритиш MTIWP учун устувор ҳисобланмайди.

КМВнинг англашув меморандумининг узоқ муддатли мақсадларидан бири экологик барқарор фойдаланишдир. II-иловада турнинг мавжудлиги ва ареал мамлакатларига экспорт қилишга ихтиёрий мораторийнинг мавжудлиги бу бир томондан ҳақиқатни тан олиш, бошқа томондан имзолаган давлатлар ўртасида ушбу манбадан ҳозир фойдаланиш мумкин эмаслиги, унинг тикланишини кутиш кераклиги тўғрисида келишув мавжудлигини англатади. Бу ўзаро тушунишни ва барча манфаатдор томонларнинг (ареал давлатлари, НПО, СИТЕС, КМВ, МСОП ва Хитой асосий истеъмолчи



Ёш эркак дам олишда. Евгений Полонскийнинг фотосурати

Махсус мавзу (давоми)

сифатида) ишлайдиган ўзаро муносабатларни ва конструктив ишчи муносабатларини синаб кўриш хавфли бўлиши мумкин, чунки халқаро савдо сайғоқ учун асосий хавф эмас (шу жумладан, мўғул сайғоғи ҳам, лекин у алоҳида ташвиш уйғотмоқда).

Бу турни I-иловага ўтказилгандан сўнг, қизиқишнинг қисқа муддатли ўсиши кузатилиши мумкин, ammo кейин қизиқиш ва назоратнинг сифати ва давлат томонидан молиялаштириш яна тушиши мумкин, бу келажакда экологик барқарор фойдаланиш муаммоларига олиб келиши мумкин.

Ареалнинг баъзи мамлакатларида сайғоқ ови тури кўпроқ эътиборни тортади, улар кўпроқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан молиялаштирилади ва ҳимоя қилинади. Сайғоқни I-иловага ўтказиш хавфга олиб келиши мумкин. Шунингдек, Хитой ушбу турдан экологик жиҳатдан барқарор фойдаланиш имкониятини кўрмаса, четга чиқиши мумкин.

Олдинга ҳаракат қилиш

Агар, I-иловага *Saiga borealis* ни эмас, фақат *Saiga tatarica* ўтказилса (иловага мувофиқ), у ҳолда *Saiga spp* нинг халқаро савдоси самарали тўхтатилади, чунки ҳозирги вақтда мўғул сайғоғи ва унинг маҳсулотлари халқаро савдода қатнашмайди. Шунга қарамай, I-иловага ўтиш таклифи Мўғулистондан келганлиги ва ушбу мамлакатда популяция ҳозирги пайтда алоҳида ташвиш уйғотаётганлиги фактини эътиборга олиб, *Saiga borealis* ни I-иловага олиш ва камроқ хавфда бўлган *Saiga tatarica* ни II-иловада қолдириш фикрлари билдирилди.

Бироқ, бу ерда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун жиддий қийинчиликлар юзага келади, айниқса сайғоқ каби турлар билан шуғулланадиган бўлсак, чунки мутахассислар бўлмаганлар маҳсулотларнинг иккита кичик турнинг қайси бирига тегишли эканлигини аниқлаши жуда қийин бўлади (гарчи улар тоза шох бўлса ҳам, дори сифатида ишлаб чиқилганлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади). Маълумки, Мўғулистон орқали бошқа ареал давлатларидан юборилаётган ноқонуний шохлар олиб ўтилади. Шундай қилиб, битта мўғул сайғоғининг I-иловага ўтказилиши бу ерда кўтарилган муаммоларни ҳал қилмайди. Биринчи навбатда битта кичик турни иккинчисидан ажратиш олиш қийин бўлганлиги сабабли Мўғул сайғоғи билан бир қа-

торда *Saiga tatarica* ни ўтказиш керак бўлади (бир хил кўринишга эга). Қандай бўлишига қарамасдан, умуман *Saiga spp* га нисбатан қарор қўллаш оқилона қадам бўлади.

Менимча, Сайғоқларни II-иловадан I-иловага барча ижобий ва салбий томонларини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш, ушбу турнинг хавфсизлик ҳолатини яхшилашга имкон бермайди. Мана бунинг сабаблари:

а) сайғоқ маҳсулотларининг халқаро савдоси бугунги кунда, касалликлар, инфратузилманинг ривожланиши ёки (Мўғулистонда) яйловларнинг деградацияси ва иқлим ўзгариши таъсири билан солиштириганда сайғоқ популяциясига асосий таъдид эмас;

б) турларни I-иловага ўтказиш молиялаштиришни сезиларли даражада кўпайтиради ва сайғоқларни сақлашга НПО томонидан киритилган сармояларни ҳисобга олган ҳолда қонун ижро этилишини кучайтиради деб ишончим комил эмас;

в) ўтказиш кўзда тутилмаган, ундан барқарор фойдаланиш мақсадига эришиш йўлида ишлаётган ҳукуматларнинг мазкур турга бўлган эътиборининг камайиши каби оқибатларга олиб келиши хавфи мавжуд. Албатта, ушбу баёнотларнинг ҳеч бири ишонч билан қабул қилинмайди ва якуний қарор қабул қилиш қийин бўлади.

Қуйидаги таклифлар альтернатива ҳисобланади:

I-иловага ўтказиш таклифига *Saiga spp* сайғоқнинг савдоси учун нол квотани жорий этиш тўғрисидаги ўзгартириш киритиб, уни II-иловада қолдириш. Бу ареал давлатларига таъсир кўрсатмайди, чунки улар ўз ихтиёри билан сайғоқ маҳсулотларининг савдосига мораторий жорий этишган. Энди мораторий мажбурий ҳисобланади.

I-иловада кўрсатилганидек, бу тижорат мақсадида ёввойи табиатдан олинган жонли сайғоқларни экспорт қилишни имконсиз қилади, бироқ тижорат фойдаси мақсади учун (масалан, кейинчалик олиб интродукция йўли билан кўпайтириш) ёки рўйхатга олинган парваришхоналарда ўстирилган ҳайвонларнинг экспортига йўл қўйилади.

Шунингдек, расмий рўйхатга олинган, парваришхоналарда сунъий равишда ўстирилган ҳайвонларнинг экспортига ҳам рухсат берилади.

Махсус мавзу (давоми)

Бу истеъмолчи мамлакатлар ўртасида сайғоқ маҳсулотларини (нисбатан кичик миқёсда) сотишни таъқиқлайди, бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ишини соддалаштиради, маҳсулот захираларини диққат билан кузатиб боришни талаб қилади ва истеъмолчиларга сайғоқнинг йўқолиб бораётган турлари ҳолати тўғрисида маълумот беради.

Бу тур экологик жиҳатдан барқарор фойдаланиш мумкин бўлган мақомга эга бўлса, квотани ўзгартиришга имкон беради.

Якуний мулоҳазалар

Эндиликда СИТЕС Томонлари 2015-2020 йилларда ўрта муддатли халқаро ишчи дастурини (MTIWP) амалга оширишга мажбурлар.

Сайғоқ тўғрисидаги англашув меморандумининг вазифаси сайғоқ бүйича ноқонуний савдо муаммоларини ҳал қилишдир.

2020-2025 йилларга мўлжалланган янги MTIWP дастури биринчи навбатда ноқонуний савдо билан кураш ва захираларнинг назорати бүйича чораларни ўз ичига олиши керак.

Сайғоқни муҳофаза қилишга Хитойдан ташқари бошқа истеъмолчи мамлакатларни ҳам (хусусан, Сингапур ва Япония) сайғоқни сақлаш бүйича Англашув меморандумини қўллаб-қувватлаш орқали жалб қилиш керак.

СИТЕСнинг қарорлари захиралари бўлган истеъмолчи мамлакатларга ушбу акцияларни рўйхатдан ўтказиш ва назорат қилишни кучайтиришни сўраб мурожаат қилиш учун кучга кирди;

СИТЕСнинг ушбу захираларни рўйхатдан ўтказиш ва назоратни кучайтиришни сўраб захиралари бўлган истеъмолчи мамлакатларга мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорлари аллақачон кучга кирган ва ушбу талабни такрорлаш ва 2018 йил октябрь ойида Доимий комиссия йиғилишида таклиф қилинган қарорлар лойиҳаларини таҳрир қилиб алоҳида урғу бериш фойдали бўлади.

Шунингдек, сайғоқ билан савдо қилишнинг браконьерлик ва истеъмол ҳажмини аниқлашдан бошлаб то онлайн савдо ролини белгилаш ва янги бозорлар ҳамда маҳсулот турларини аниқлашга занжирнинг ишини аниқроқ тушунишга эҳтиёж мавжуд.

Ушбу йўналишда баъзи тадқиқотлар ўтказилди ва ҳозирда кўпроқ тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бироқ, чуқурроқ тушунишимиз бизга мавжуд захираларнинг қанча вақтга етарли бўлиши ва браконьерлар томонидан ўлдирилган ҳайвонларнинг қандай қисми истеъмолчи мамлакатларга бориши мумкин, қайси қисми эса чегараларда қўлга туширилиши мумкинлиги ҳолатини баҳолаш олишимиз мумкин. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан профилактика чораларини кўришга ёрдам беради.

Сайғоқни сақлаш бүйича қарор иложи борица манфаатдор давлатлар томонидан бир овоздан келишилган процедурада қабул қилиниши жуда муҳимдир. 2019 йил апрель ойида КМБнинг ўзаро англашув Меморандуми (MoV) Томонларининг техник учрашуви режалаштирилган.

2020 йил ушбу меморандум Томонларининг кенг қамровли учрашуви бўлиб ўтади, бу эса мазкур турнинг учраши мумкин бўлган жорий хавфларга таянган ҳолда сайғоқ бүйича ҳаракатлар режасини ва иш дастурини қайта кўриб чиқиш ва муҳокамани давом эттириш имконини беради.

СИТЕС мазкур англашув Меморандумининг ишлаб чиқувчиларидан бири бўлганлиги сабабли, котибият ҳозирда ҳар қандай тавсияларни қабул қилади ва кейинчалик Томонларга юборади.

Янгиликлар

Сайғоқ — СИТЕС майдонларида

Межнев А.П. Россия табиий ресурслари вазирлиги amezhnev@mail.ru

Ўзининг 70 йиллик ҳаётида биринчи марта йўқолиб кетиш хавфи бўлган ёввойи фауна ва флоранинг турлари билан халқаро савдо тўғрисида мазкур ташкилотнинг Доимий қўмитасининг сессияси 2018 йил 1-5 октябрь кунлари Россияда, Сочининг бутун дунёга машҳур «Роза-Хутор» курортида бўлиб ўтди. Анжуманлар ва давра суҳбатлари доирасида 150 та мамлакатдан ва турли ташкилотлардан 700 дан ортиқ вакиллар ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ноёб турларининг ноқонуний савдосига қарши курашда, уларнинг популяциясининг барқарор ривожланишини таъминлаш чораларини муҳокама қилишда тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдилар. Табиийки, ушбу форумда сайғоқ эътибордан четда қолгани йўқ.

4 октябрда Россия Федерациясининг Табиий ресурслар ва экология вазирлиги ҳамда унда яқинда ташкил этилган Росзаповедцентр томонидан СИТЕСнинг Доимий комиссиясининг 70-йиғилиши доирасида «Сайғоқ ва аргали Россияда: муҳофаза қилиш ва популяцияни тиклаш» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди ва ўтказилди. Россиянинг Табиий ресурслар вазирлиги ходими сифатида, Россия Федерациясидан СИТЕСнинг Доимий қўмитаси аъзоси ва Россиядаги сайғоқни сақлаш ва тиклаш ҳамда барқарор фойдаланиш масалалари бўйича англашув меморандуми ижроси координатори сифатида давра суҳбати модератори (КМВ MoB) бўлиб иштирок этдим.

Йиғилиш давомида турли мамлакатларнинг давлат органлари, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, нотижорат экологик ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, илмий жамоатчилик вакили бўлган 73 та эксперт иштирок этди. Унда СИТЕС объектларини ва хусусан сайғоқни сақлаш бўйича чоралар кўриб чиқилди.

Йиғилиш «Россияда сайғоқ популяциясини тиклашнинг халқаро аспекти» мавзусидаги маъруза билан очилди. Унда мамлакатларнинг икки томонлама ва халқаро шартномаларининг бажарилиши, шунингдек сайғоқ популяцияларида рўй бераётган жараёнлар, шу қаторда транспорт ўтадиган чегараларда турларни сақлаб қолиш учун вазиятнинг ижобий ривожланишига ҳалақит

берадиган муаммолар ва уларни бартараф қилиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилди. Маърузада сайғоқни сақлаш ва популяциясини тиклашда экотизим ёндашувини қўллаш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Мазкур ООПТ директори Б.И.Убушаевнинг Шимолий-Ғарбий Касбий минтақасида сайғоқ популяциясини сақлашда «Қора ерлар» қўриқхонасининг роли, қўриқхона ходимлари томонидан турни сақлаб қолиш бўйича кўрилатган сайи-ҳаракатларини тавсифлаш билан бир қаторда, реинтродукция ва кулан каби йирик ўтхўрларнинг популяциясини қайта тиклаш каби баҳслар тақозо этувчи масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Шунингдек, қўриқхона ҳудудининг анчагина жойларини отлар ва туяларни боқиш учун ажратиш таклиф этилди. Маъруза муаллифининг фикрига кўра, бу қурғоқ экотизимлар барқарорлигини ва минтақанинг сайёҳлик жозибадорлигини оширади. РАН А. Н. Северцов номидаги Экология ва эволюция муаммолари институти бош илмий ходими, ЮНЕСКОнинг «Одам ва биосфера» дастури бўйича Россия қўмитасининг раиси В.М.Неронов ўзининг шарҳлов маърузасида Россиянинг хавф остида бўлган туёқли ҳайвонларни сақлашда СИТЕСнинг аҳамияти тўғрисида сўзлаб берди. У Томонлар Конференциясининг X/20-сонли қарорига биноан биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция (2012 й., Ҳиндистон) доирасида, биологик хилма-хиллик билан боғлиқ уларнинг илмий органлари ва миллий марказлари, шу жумладан СИТЕС, КМВ ва халқаро аҳамиятга эга сувли ботқоқли ҳудудлар бўйича Рамсар конвенцияси доирасидаги ҳамкорликни кучайтириш муҳимлиги, шунинг учун



Давра суҳбатида Валерий Нероновнинг нутқи. Анна Ячменникованинг сурати

Янгиликлар (давоми)

махсус форумни ўтказиш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Муҳокама якунига кўра давра суҳбати иштирокчилари бир овоз билан бир қатор тавсияларни қабул қилдилар (хусусан, сайғоқ намуналарини таҳлил қилишнинг экспресс усулларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалигига сайғоқлар томонидан етказилган зарарлар ўрнини қоплаш учун ёндашувларни ишлаб чиқиш; яйлов айлануви тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш), улардан бир нечтаси биринчи марта СИТЕС йиғилиши доирасида муҳокама қилинди. Тавсияномалар билан www.vniiecolgy.ru сайтида танишиш мумкин.

СИТЕС Котибияти томонидан ареал ва истеъмолчи мамлакатларга батафсил сўровнома юборилди. Истеъмолчи мамлакатлар (Вьетнам, Гонконг, Индонезия, Хитой, Малайзия, Сингапур, Япония) ва ареал мамлакатлар берган жавоблар асосида (Россия и Узбекистан) 58-сонли Хужжат тайёрланди <https://cites.org/sites/default/files/eng/com/sc/70/E-SC70-58.pdf>, шунингдек унда UNEP-WCMC томонидан тайёрланган дериватларнинг халқаро сайғоқ савдоси шарҳи берилган.

Шуни таъкидлаш керакки, юқорида келтирилган 58-сонли Хужжатда Котибият топширилган маълумотлар таҳлили асосида СИТЕС ва КМВ билан ҳамкорликни самарали ва келажакда порлоқ деб тан олмоқда, ареал ва истеъмолчи мамлакатларни 2016-2020 йилларга мўлжалланган (MTIWP) сайғоқ бўйича ўрта муддатли халқаро ишчи гуруҳ дастури тавсияларини тўлиқ бажарилишига чақириб, МоВнинг сайғоқни сақлаш бўйича ажралмас қисми ҳисобланган, шунингдек, СИТЕСнинг ёндашуви ва тамойилларини кейинги сайғоқ бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган MTIWPда ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади.

Худди шу ҳолатлар 70-сонли йиғилишининг доимий қўмитасининг тасдиқланган 70-йиғилишида акс эттирилади ва қарор лойиҳаси билан ўқитувчиларнинг 18-конференцияси ўтказилади. Худди шу ҳолатлар 2019 йил май-июнда Шри-Ланкада бўлиб ўтадиган СИТЕС Доимий қўмитасининг 70-сонли йиғилишида тасдиқланган 18-сонли СИТЕС Томонлари қарори лойиҳасида акс эттирилган (58-хужжатга 1 илова).

Россия Федерациясининг истеъмолчи мамлакатларда мавжуд сайғоқ шохлари захирасининг мониторингини ўтказиш бўйича ташаббусини алоҳида таъкидлашни истардим. СИТЕС майдонида

Россиянинг бундай таклиф билан чиқиши биринчи марта эмас. Сўнги ўтган ўн йилликлар давомида ареал давлатларининг ҳамма жойида сайғоқларни қўлга киритиш кенг таъқиқланганлиги, юқорида айтилганидек, «конвенция олди» сайғоқ шохларининг захиралари, уларнинг шифобахш хусусиятлари аллақачон ўз кучини йўқотган бўлиши керак, гарчи манфаатдорлар шохларни қайта ишлашда янги технологияларни ишлаб чиқишни асос қилишмоқда. Ушбу масалада Россия Федерациясининг позицияси бир қатор давлатлар делегацияси ва ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланди. Хитой бозорида «янги» (яъни ноқонуний равишда) сайғоқ шохларининг мавжудлигини тасдиқловчи мақолани Дж. Лама (*Saiga News 23, 2018*) чоп этди.

Бир вақтнинг ўзида ХХР вакиллари СИТЕС иловасига кирувчи бу ёки бошқа захиралар намуналари мазкур Конвенция Томонларининг ички иши ҳисобланишини кўрсатиб шох захиралари мониторингига қарши чиқишди. Шунга қарамай, доимий комиссия Томонларнинг 18-Конференциясида муҳокама қилиш учун СИТЕС Котибиятига сайғоқ шох захиралари бўйича бошқа қарор лойиҳасини ишлаб чиқишга таклифи билан чиқди, бунда илованинг келгуси 18-конференцияда муҳокама қилиш учун.

Иккала тадбир ҳам бир кунда бўлиб ўтди ва асосий экспертлар уларнинг йиғилишларида иштирок этишди. Бу эса келгусида СИТЕС Томонларининг 18-Конференциясида ареал мамлакатларида сайғоқни сақлаш бўйича тегишли чоралар кўриб чиқилади ва мазкур қимматбаҳо турни сақлаш бўйича мақбул ҳамкорлик қилиш имкониятлари топилади деб умид қилишимиз мумкин.



Дорихоналарда савдога қўйилган янги сайғоқ шохлари Жанубий-Шарқий Хитой, Шеньжень шаҳри. Елена Быкованинг фотосурати

Янгиликлар (давоми)

Қозоғистондаги сайғоқларнинг 2018 йилдаги авиа ҳисоби натижалари

Цутер Ш. Қозоғистон 7-биологик хилма-хилликни сақлаш ассоциацияси steffen.zuther@acb.kz

2018 й. 14-30 апрель кунлари «Қозоғистон Республикасида сайғоқнинг Бетпақдалин, Ўрол ва Устюрт популяциясини ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш» давлат буюртмаси доирасида ҳар йилги Қозоғистонда яшайдиган учта популяциянинг сайғоқларини авиа ҳисобга олиш амалга оширилди. Ўрганиш натижаларига кўра, 2018 йил баҳорида Қозоғистонда сайғоқлар сони 215100 бошни ташкил этди, шундан 135 минги Ўрол популяциясига, 3700 таси Устюрт популяциясига ва 76400 таси Бетпақдала популяциясига тегишли. Ушбу натижалар учта популяциянинг сони ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада кўпайганини кўрсатади. Шундай қилиб, Ўрол популяцияси 37,5 фоизга, Устюрт популяцияси 37 фоизга ва Бетпақдалин популяцияси 47,8 фоизга ўсди.

Авиа ҳисоб Ан-2 самолётида 200 парвоз соатида амалга оширилди. Вазифа «Қозоғистон биологик хилма-хилликни сақлаш ассоциацияси» ва (АСБК) РГКП «Охотзоопром» билан биргаликда МСХ РК Ўрмон хўжалиги ва ҳайвонлар дунёси қўмитаси-

нинг буюртмасига биноан амалга оширилди. Шунингдек, унда ўрмон ва ёввойи табиатни муҳофаза қилиш ва сайғоқ яшаш жойларидаги алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар (Олтин Дала давлат кўриқхонаси, Иргиз-Тўрғай давлат табиат захираси, Корғалжин давлат табиат кўриқхонаси) инспекция ходимлари ҳам иштирок этдилар.



Ҳисобга олувчилар жамоаси. А. Салемгареевнинг сурати

Устюрт сайғоғини сақлашга янги ёндашув

Есказыулы Р. Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш уюшмаси renat.eskazyuly@acb.kz

Бугунги кунда Қозоғистон ҳукумати ва табиатни муҳофаза қилиш, шу жумладан сайғоқни сақлаш бүйича халқаро ташкилотлари саъй-ҳаракатларига қарамай, ноқонуний ов Қозоғистондаги барча учта популяцияга жиддий таҳдид солмоқда. Ҳар йили бу ҳайвонларнинг жуда кўп сони браконьерлар қўлидан нобуд бўлади. Браконьерликнинг асосий сабабларидан бири бу сайғоқ шохидан буюм ишлаб чиқаришга бўлган юқори талаб ва улардан анъанавий хитой тиббиётида фойдаланиш ҳисобланади.

2017 йил апрель ойида Олтин Дала экологик ташаббуси доирасида Фауна ва Флора Интернэшнл (Fauna & Flora International) компаниясининг молиявий кўмаги билан Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш уюшмаси (АСБК) сайғоқларнинг Устюрт популяциясини ҳимоя қилишда ПО «Охот-

зоопром» ишлаб чиқариш ва тижорат корхонаси инспекторларини қўллаб-қувватлаш учун дала ишчилар гуруҳини тузди. Иш майдони сайғоқларнинг энг аҳамиятли яшаш жойларини ўз ичига олади:



Устюртда кўзилайдиган жойларни ўрганиш вақтида янги туғилган сайғоқларнинг оғирлигини ўлчаш. АСБК нинг сурати

Янгиликлар (давоми)



Устюрт гуруҳи ходимлари ва давлат инспекторлари томонидан ҳудудни биргаликда патруллаш. АСБК нинг сурати

Устюрт платосининг шимолий чеккалари, Шошқол ахлат участкалари, Желтау чинки, Доништау. Ҳудудга Актюбинск, Ўтрор вилоятларининг Байганин, Шалқар, Жилиой маъмурий туманлар киради. Уларнинг умумий майдони 99,395 квадрат километрни ташкил қилади.

Гуруҳни ташкил этишдан асосий мақсад — Устюрт популяциясини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш, ёввойи табиатни сақлаш, кўпайтириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат назорати бүйича давлат инспекторларига ёрдам бериш, шунингдек маҳаллий аҳоли орасида биохилма-хилликни сақлашни тарғиб қилиш. Сифатли ишлаш учун гуруҳ барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Бу йил авиа мониторинг учун самолёт типидagi учувчисиз учиш аппарати сотиб олинди. Чўл антилопаси ва кўчатларнинг ҳолати доимий равишда кузатиб борилади. Шундай қилиб, 2018 йил баҳорида биринчи мартаба гуруҳ Устюрт сай-



Сайғоқ шохларини аниқлашда иштирок этиш. АСБК нинг сурати



Учувчисиз (беспилотник)ни учуриш ва бошқариш тренинги иштирокчилари. АСБК нинг сурати

ғоқ популяциясининг кўзилайдиган жойларини топдилар.

Мобиль гуруҳ ҳар ой камида 10 кун давомида сайғоқларнинг яшаш жойини кўриқлайди. Жорий йилнинг 11 ойи давомида ушбу гуруҳ 20 000 км дан ортиқ масофани босиб ўтди. Ушбу фаолият натижасида 10 га яқин браконьерлик фактлари аниқланди, уларнинг 8 таси бошсиз сайғоқнинг сўйилиб нимталанган гўштини мусодара қилиш билан боғлиқ.

Икки йиллик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ноқонуний сотиш мақсадида сайғоқни браконьерлик билан ўлжа олиш Ақтобе, Ўтирор, Қизилўрда вилоятларининг маҳаллий аҳолиси орасида кенг тарқалган ва оддий ҳодиса.

Устюрт минтақасида кам даромадлиқ ва ишсизлик сайғоқ овини жуда фойдали ва жозибали фаолиятга айлантиради. Кўп сотувчилар ов қилиш, браконьерлик таъқиқланганлиги ва браконьерлик олиб борадиган оқибатлар, шу жумладан қамоққа олишга қадар жазоланишлари мумкинлиги билишади, аммо ҳаёт учун кураш инсонларни ноқонуний ишларга ундайди.

Гуруҳ мониторинг фаолияти билан бир қаторда ҳудуддаги мактабларда тарғибот-ташвиқот тадбирларини муваффақиятли ўтказмоқда. Жорий йилда гуруҳ қатнашчилари қишлоқ жамоалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари вакиллари билан 100 дан ортиқ учрашувлар ўтказдилар, шунингдек, Актюбинск вилоятидаги мактаб ўқувчилари билан ҳам (тахминан 30 та учрашув). Тадбирларда ҳудуддаги ўқув юртларининг 800 нафардан ортиқ ўқувчи ва ўқитувчилари иштирок этди.

Янгиликлар (давоми)

Мўғулистонда сайгоқларнинг ноқонуний овланиши

Чимеддорж Б., Батсайхан Б. WWF Мўғул дастури chimeddorj@wwf.mn

Енхтувшин Ш., Бувейбатар Б. WCS Мўғул дастури eshiilegdamba@wcs.org


2002 йилдан бошлаб сайгоқ йўқолиб кетиш арафасида турган тур мақоми билан МСОПнинг Қизил рўйхатига киритилган, 1998 йилдан 2008 йилгача сайгоқнинг глобал популяцияси 80 фоизга қисқарган. 2015 ва 2017 йилларда сайгоқлар оммавий қирилишининг иккита ҳолати Қозоғистонда популяциянинг сони 200 минг бошга камайишига олиб келди, Мўғулистонда эса бу ҳолат 8000 ни ташкил қилди (мамлакатдаги умумий сонининг 50% дан ортиғи). Умуман олганда, бутун дунё бўйлаб ушбу турнинг иккала кичик вакиллари учдан икки қисми ушбу ҳодисалар натижасида нобуд бўлган ва бундай нарса қачон содир бўлиши ва популяцияни тиклаш қанчалик осон бўлишини олдиндан айтиш қийин.

Мўғулистонда сайгоқ популяцияси 2002 йилда 800га қисқарди, лекин сўнгги ўн йилликларда маҳаллий ҳаракатлар ҳамда WWF Network ва MAVA фондининг фаол қўллаб-қувватлаши туфайли барқарор ўсди. Шунга қарамай, популяциянинг ҳозирги ҳолати ташвишли бўлиб, афсуски, унинг сони камайиши мумкин деган фикр маълум бўлмоқда. Ҳозирги вақтда мўғул сайгоғининг кичик турлари унинг тарихий ареалининг атиги 27 фоизи ни ташкил қилади. 2018 йил март ойида ўтказил-

ган сўнгги ҳисоб-китобларга кўра 2016-2017 йилларда майда кавш қайтарувчи ҳайвонлар (Peste des Petits Ruminants – PPR) вабоси тарқалиши натижасида ва 2017-2018 йиллардаги қаттиқ қишнинг таъсирида ҳайвонлар сони 3000 дан ортиққа камайди (*Saiga News 22-сонига қаранг*).

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ноқонуний овнинг асосий сабаби бўлган сайгоқ шохларига бўлган талаб юқори бўлиб қолмоқда ва анъанавий Хитой тиббиётидан фойдаланадиган одамлар ёввойи табиатда овланган ҳайвонлардан тайёрланган маҳсулотлар учун юқори нарх тўлашга тайёр, чунки уларнинг фикрига кўра улар кўпроқ шифобахш кучга эга (*2018 й., Тренд ва бошқалар*). Сайгоқ шохларини асосий экспорт қилувчиси бўлган Қозоғистон 2020 йилга қадар сайгоқ ва унинг қисмларини ҳамда дериватларни ишлатишни фақат илмий манфаатлар учун чеклаганлиги сабабли уларга бўлган талаб янада ортиши кутилмоқда.

Мўғулистон полицияси ва атроф-муҳит инспекциясининг маълумотларига кўра, 2005 йилдан 2017 йилгача фақат 27 та браконьерлик фактлари қайд этилган ва 231 сайгоқ қириб ташланган (*1-расм*). 56% ҳолатларда 123 сайгоқ ўлдирилган, браконьерлар топилмаган. 2013 йилда ҳайвонлар энг



1-расм. 2005-2017 йилларда Мўғулистонда ноқонуний сайгоқлар ови ва ўлдириш ҳолатлари

Янгиликлар (давоми)

кўп йўқ қилинди, 2010 йилда эса бундай ҳолатлар қайд этилмади (*1-расм*). Бундан ташқари, битта ноқонуний ов пайтида ўлдирилган сайгоқларнинг (ёки мусодара қилинган шохларнинг) энг кўп сони 2017 йилда, PPR авж олганда қайд этилди. Вабо вируси тарқалишининг сабабларини ўрганиш давомида касаллик тарқалган жойлардан топилган жасадларнинг асосан эркак сайгоқларининг шохлари кесилганлиги аниқланди.

Афсуски, FAO (БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти) маслаҳатчилари ва WC, WWF ва терговга жалб қилинган бошқа ташкилотлар ходимлари ўлган ҳайвонлар тўғрисида аниқ маълумотларни тўплаш имконига эга бўлмадилар, чунки маҳаллий ҳокимият томонидан эксперт гуруҳи ташриф буюрганига қадар жасадларнинг кўпи йўқ қилинган эди. Сўнгги йилларда сайгоқлар-

ни ноқонуний овлаш, уларнинг шохлари савдоси янада уюшган схемалар бўйича олиб борилмоқда ва улар билан курашиш тобора қийинлашиб бормоқда, бу эса мониторинг ва текшириш техникасини такомиллаштиришни талаб қилади. Шунингдек, ноқонуний трансчегара савдосининг олдини олиш учун мутахассисларни тегишли тайёргарликдан ўтказиш ва тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва маълумот алмашиш орқали қонунчилик базасини ва назоратни кучайтириш муҳим. WWF ва WCS ўз лойиҳалари ҳудудида браконьерликни аниқлаш ва ёввойи ҳайвонларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш усулларини такомиллаштириш устида ишламоқда. Бироқ, ушбу дастур миллий миқёсда амалга оширилади ва бу соҳалараро ҳамкорлик ва халқаро қўллаб-қувватлашни талаб қилади.

Келгинди

Калмыкова Г.А. Астрахань вилоятининг «Степной» қўриқхонаси limstepnoi@mail.ru

Яқинда Астрахань вилояти Степной қўриқхонаси ҳудудида сайгоқ подасининг бошқа вакиллари фарқ қиладиган «космик келгиндини» — альбинос-сайгоқни тасвирга олишга эришилди. Қўриқхонада ишлайдиган қўриқлаш ходимларининг сўзларига кўра, у ташкил қилинган (2000 йилдан) кундан буён бундай «оппоқчани» биринчи марта учратиш ҳолати. Мутахассисларнинг фикрига кўра, сайгоқ-альбинослар асосан янги туғилганлар орасида учрайди ва бундай ҳолатлар частотаси тахминан 5-10 мингтага 1 тани ташкил этади. Бундай ҳолатларнинг камдан-камлиги 2007 йилда Қораденгиз қўриқхонаси ҳудудида иккита сайгоқ қайд этилганлиги (*Saiga News 7-сонга қаранг*), 2010 йилда эса таниқли ҳайвонларнинг фотосуратчиси — анималист Валерий Малеев қўриқхонада эндигина туғилган ва бутунлай ёрдамга муҳтож албинос-гўдакчани олган суратлари ҳам таъкидлайди.

Катта ёшли сайгоқлар орасида албинослар жуда кам учрайди, чунки ниқоблаш рангидан маҳрум ва ўз қариндошлари орасида кескин ажралиб турадиган сайгоқлар ёмон оқибатларга олиб келадиган йиртқичлар эътиборини жалб қилиши мумкин.

Бизнинг «оппоқчамиз» балоғат ёшига қадар омон қоладими ва урчиш мавсумида урғочиларнинг кўнглидан жой эгаллай оладими йўқми ҳозирча биз бунга жавоб тополмаймиз. Фақатгина яхшиликка ва қўриқчиларнинг хушёрлигига умид қилиш мумкин.

Ушбу «келгиндилар» ҳақидаги сюжет 2018 йил 20 июль куни Россия марказий телевидениесининг биринчи каналида эфирга узатилган — <https://www.1tv.ru/shows/dobroe-utro/mezhdutem/belosnezhnye-i-redkie-dobroe-utro-fragment-vypuska-ot-20-07-2018>.



Она ва «оппоқча». «Степной» буюртмахонаси архивидан олинган сурат

Янгиликлар (давоми)

Кримда ёш экологларнинг йиғини

Самтанова Е.А. Бутунроссия дашт клуби «Живое наследие» МКОУ Хаглышевой Е.К. номидаги Яшқўл кўп тармоқли гимназия samtanova1957@yandex.ru

25-29 июнь кунлари Крим Республикасининг Саки шаҳрида Крим Республикаси Экология ва табиий ресурслар вазирлиги томонидан «Биз ёш экологмиз» ёш экологларнинг ҳудудлараро йиғини бўлиб ўтди. Слет ёш авлоднинг эътиборини экологик муаммоларга жалб қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича амалий тадбирлар соҳасида тажриба алмашиш, шунингдек экологик маданиятни шакллантириш мақсадида ўтказилди.

Ҳудудлараро йиғинда Россия Федерациясининг турли ҳудудларидаги таълим муассасалари талабалари, умумроссия, республика ва ҳудудий мусобақалар, олимпиадалари ғолиблари қатнашдилар. Қалмоғистон Республикасидан «Тирик мерос» дашт клубининг аъзолари ва раҳбари қатнашдилар.

Бу кунлар давомида болалар турли экологик танловларда, брейн-рингларда, викториналарда иштирок этдилар, ўзаро билимлари ва тажрибалари билан алмашдилар.

Жамоалар яхши тайёргарлик кўришган бўлиб, ўз ҳудудларини муносиб тақдим этишди. Слет давомида жамоалар экологик ҳолатларни кўриш ва муаммоларни ҳал қилишда ижодий ёндашишни намоиш этишди. Жамоаларнинг мусиқий чиқишлари, «Менинг жонажон ўлкам» видеоролиги ва «Ватаним табиатининг бетакрор бурчаклари» фотокўргазмаси эсда қоларли бўлди. Ҳар бир жамоа рус халқ эртакли асосида эко-эртаси намоиш этди, унинг асосий ғояси табиатни қутқариш ва табиий бойликларни асрашдан иборат бўлди. Шунингдек, «Эко-мода» танловининг дефиле пайтида болалар қайта ишланган материаллардан тикилган либосларни намоиш этишди. «Либослар» газета, пластик, ўраш учун қоғозлар, шунингдек брезент ва бошқа техник материаллардан тайёрланган. Бундан ташқари, болалар ўз ҳудудларининг ноёб кўриқланадиган табиий жойларини намоиш этишди. Қалмоғистонлик мактаб ўқувчилари сайғоқнинг оригами макетини тайёрлаш бўйича маҳорат дарсини ўтдилар, домбра чалдилар, рақсга тушдилар ва қалмиқ қўшиқларини куйлашди. Слет иштирокчилари бизнинг чиқишимиз ва қалмиқ

миллий либослари билан шу қадар таъсирландики, йиғин ташкилотчилари болалардан йиғиннинг ёпилиш маросимида чиқишларини сўрашди.

Ёш экологларнинг ҳудудлараро ғолиби Татаристон Республикасининг «Экоэра» жамоаси бўлди. Иккинчи ўринни Қалмоғистон Республикасининг «Тирик мерос» жамоаси, учинчи ўринни Свердловск вилоятининг Нижний Тагил шаҳридан «Менинг Ватаним – Урал» жамоаси эгаллади. Митинг ғолиблари ва совриндорлари Крим табиий ресурслари вазирлигининг кубоги ва дипломлари билан тақдирландилар.

Ёпилиш маросимида Крим Республикаси экология ва табиий ресурслар вазирининг ўринбосари Наталя Сологуб слет кунларида иштирокчилар катта дўстона экологик оилага айланганини таъкидлади. Вазирлик номидан у иштирок этганлари учун барчага миннатдорчилик билдирди ва болалар ўзларининг потенциалларини ва истеъдодларини тўлиқ намоиш қилиши учун келгуси йилда ҳудудлараро митинг вақтини узайтиришни таклиф қилди.

Слетнинг сўнгги кунда Евпатория шаҳрига маданий ва маърифий саёҳат бўлиб ўтди. Слет иштирокчилари делфинарийга ташриф буюришди, уларга



Қалмиқ Республикасининг «Тирик мерос» жамоаси иккинчи ўринни эгалладилар. Фото Н. Галкиной

Янгиликлар (давоми)

денгиз сутемизувчиларидан иборат шоу-дастур тақдим этилди. «Кичик Иерусалим»га пиёда саёҳат қилиш орқали шаҳарнинг тарихий қисми билан танишди. Слетдан ёш экологлар нафақат ёрқин унутилмас таассуротлар, балки экологияга оид билимларни ҳам олишди. Ушбу тадбир уларга нафақат экология, биология соҳасидаги билимларини намоиш этиш, балки жуда муҳим бўлган бошқа ҳудудлардаги тенгдошлари билан мулоқот қилиш ва амалий экологик фаолияти бўйича тажриба алмашиш имконини берди.

Хулоса қилиб шунини таъкидлашни истардимки, «Тирик мерос» дашт клуби сўнгги бир неча йилларда «Россиянинг кўриқхона ороллари» Бутунроссия лойиҳалари танловининг ғолиби ва совриндори бўлди (www.wildnet.ru ва заповедныйурок.рф).

ОАО «№2 Яшқўл йўл бошқармаси» бошлиғи В.Н.



Фотокўргазма «Менинг ватаним табиатининг бетакрор бурчаклари». Е. Самтанова фотосурати

Сангаджиевга мазкур экологик форумда делегация иштирокини қўллаб-қувватлагани учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

«Тикланиш» — олдинга!

Гайдукова Т.А. МКОУ «Лиманск 1-умумий ўрта мактаби» tatyana-ryapolova@yandex.ru

«Биз, русларнинг ёш авлоди, Лиманск ерининг ёш эгалари, ўз жонажон даштимизни тиклаймиз ва асраймиз!»

шиори остида Астрахань вилоятининг МКОУ Лиманск 1-сонли ўрта мактаби базасида яратилган «Тикланиш» дашт клубининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Клубнинг очилиши мактаб ўқувчилари ва қишлоқнинг фаол, бефарқ бўлмаган фуқароларининг таклифи билан байрамон руҳда бўлиб ўтди.

Клубни яратиш ғояси 2018 йил август охирида Альянс ва Лиман қишлоғида жойлашган Сан-Диего ҳайвонот боғида ва Степной ёввойи табиат кўриқхонасида дашт клублари ўқитувчилари ва раҳбарлари учун сайғоқни сақлаш бўйича ёзги ўқув академияси ўтказилганидан сўнг пайдо бўлди. Анжуман дастури қизиқарли ва бой бўлди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қалмоғистоннинг дашт клублари раҳбарлари иштирок этишди. Айнан ушбу клубларнинг вакилларининг тажрибалари, ўртоқлашган экологик ишлари бизга Лиманск туманимизда дашт клубини яратишга ундади. Мактабимизда турли синф ўқувчилари орасида энг яхши логотип ва клуб номи учун расмлар танловини ўтказдик. Мана бу кун келди! Бизнинг байрамимиз меҳмони,

«Степной» ёввойи табиат кўриқхонаси директори В. Г. Калмыков айтганидек: «Сиз қийин, аммо жуда муҳим ишга қўл урдингиз! Бизнинг ҳудудимизнинг ноёб экотизимларини: ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимликлар, ҳайвонлар ва қуш-



Кўчиб юривчилар кунига бағишланган спорт мусобақаларининг ёш иштирокчилари. Дариа Аукина фотосурати

Янгиликлар (давоми)

ларнинг турларини, биринчи навбатда бизнинг чўлимизнинг ноёб яшовчиси — сайғоқларни сақлаб қолиш керак. Қўриқхона томонидан сизнинг барча ҳаракатларингизда клубга ёрдам берилади. Мен самарали ва узоқ муддатли ҳамкорликка умид қиламан.»

Мактаб директори И. В. Рябина ва Таълим бошқармаси ҳузуридаги МО «Лиманск тумани» жамоат кенгаши раиси Т. А. Инчиковалар эзгу тилаклар ва хайрли сўзлар билан сўзга чиқдилар.

Табриқномадан сўнг, мактаб саҳнасида табиат ҳақидаги шеърлар ва қўшиқлар видеороликлар намойиши билан янгради. Тадбирнинг энг ёрқин лаҳзаси тарғибот гуруҳининг чиқиши бўлиб, улар чиқишнинг равшанлиги ва гўзаллиги билан завқлантирдилар. Тантанали ҳолатда ўқувчилар дашт клублари сафига қабул қилинди ва уларга сертификатлар топширилди ҳамда ёш экологларнинг ажралмас атрибуту бўлган галстуклар боғлаб қўйилди.

Учрашувнинг давомида «Кўчиб юрвчи ҳайвонлар куни» турнири бўлиб ўтди. У одамларнинг миграцияси ҳақида саҳна намойиши билан бошланиб, ҳайвонот оламида миграцияни тушунишга йўл очиб берди. Клуб аъзолари бир қатор кўчиб юрвчи турлар, уларни узоқ масофаларга кўчишга мажбур қиладиган сабаблар, ҳайвонларда миграция йўллари шакллантириш, уларнинг нотаниш жойларда ориентация қилиш қобилияти тўғрисида гапириб бердилар. «Менинг кимлигимни билиб олинг» танлови болаларга пазлларни йиғиш орқали Астрахань вилояти ҳудудида яшовчи кўчиб юрвчи ҳайвонлар тўғрисида билиб олишларига ёрдам берди. Мусобақа дастурига ҳайвонлар ва қушлар-



«Тикланиш» дашт клубининг янги аъзолари. Дариа Аукина фотосурати



«Тикланиш» дашт клубининг аъзолари. Дариа Аукина фотосурати

нинг кўчиб юрвчи турлари тўғрисида билимларни кенгайтиришга хизмат қиладиган «Издан боринг», «Топишмоқлар», «Кроссворд», «Баҳор шамоли» каби қизиқарли мусобақалар ҳам киритилган. «Ҳайратланарли ҳайвонлар» мусиқий флешмоби барча иштирокчиларда кўтаринки ва ижобий кайфиятни ҳосил қилди. Ҳар бир иштирокчи чиройли турна, тезкор сайғоқ, виқорли антилопа, гердайган туяқуш ва ҳайвонларнинг шоҳи — шер ролларига кириш имкониятига эга бўлди.

Бизнинг тадбиримизга рус пахлавонлари ташриф буюриб, саҳна кўринишида одамлар томонидан яратилаётган тўсиқларни ҳайвонлар томонидан енгиб ўтиш муаммолари ҳақида гапириб беришди. Клуб аъзолари, шунингдек, ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турларини сақлаш тўғрисидаги конвенция бундай ҳайвонларни ва уларнинг кўчиб юриш йўллариини сақлашга қаратилганлигини таъкидладилар.

Тадбир нафақат маърифий, балки катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. Иштирокчилардан бири ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, илгари у кўп сонли йўллар, кўприклар, электр узатиш линиялари ҳайвонларнинг кўчиб ўтишига халақит бериши мумкинлигини билмаслигини билдирди. Унга айниқса мусобақаларда қатнашиш жуда ёқди, чунки унинг синфи дўстона жамоада бирлашди. Бир кўзлари ҳайратга тўла қиз сайғоқ муз давридан олдинги даврда омон қолганлигини билмаслигини айтди ва клубга қўшилиш истагини билдирди.

Эртаси куни 4-синфларда спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Унинг бошланишидан олдин кўчиб юриш даврида ҳайвонлар тўсиқларни енгиб ўтишининг

Янгиликлар (давоми)

қийинчиликлари ҳақида суҳбат қурилди. Кўп ўтмай, болалар «Сайғоқнинг омон қолиши» ўйинида тўсиқларни енгишда қийинчиликларга дуч келишди.

Байрам якунида танлов ғолибларини тақдирлаш бўлиб ўтди. «Тикланиш» дашт клубининг экологик мадҳияси янгради ва кўпчилик «Жона-жон ўлка табиатини асраш» умумий мақсадида бирликни намойиш этиб, саҳнага чиқишни хоҳладилар.

Астрахань вилоятида сайғоқни сақлаш бүйича ўқув семинари бўлиб ўтди

Филиппова А.В. IFAW afilippova.contractor@ifaw.org

Лешина Е.В. ЭкоЦентр «Заповедники» luinell@gmail.com

2018 йил 12 декабрда Астрахань давлат университетида «Таълим сайғоқни сақлаш бүйича комплекс дастурнинг таркибий қисми» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унинг мақсади Россияда сайғоқни сақлашнинг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш ва янги «Реликт антилопа сайғоғи» интерфаол дарсини тақдим этиш эди.

Семинарда 60 кишидан иборат тўрт федерал ва ҳудудий ООПТ ходимлари, Россия Табиий ресурслар вазирлиги, А.Н.Северцова номидаги ИПЭЭ РАН вакиллари, Астрахань вилояти ва Қалмоғистон Республикасининг турли ҳудудларидаги мактаб ўқитувчилари ва дашт клублари раҳбарлари иштирок этдилар (жами 60 киши). Тадбирни ташкил этувчилар сифатида IFAW Ҳайвонларни ҳимоя қилиш халқаро жамғармаси ва «Қўриқхона» ЭкоМаркази чиқиш қилдилар.

Семинарнинг биринчи қисми Шимоли-Ғарбий Касбий минтақасида сайғоқ популяциясининг ҳозирги ҳолати, бўрининг ушбу популяцияга таъсири, унинг генетик хилма-хиллиги ва дериватлар томонидан сайғоқнинг ноқонуний савдоси, шунингдек, «Қора ерлар» қўриқхонаси ва «Степной» қўриқхонаси ҳудудида ҳамкорликда сайғоқлар сонини ҳисобга олишни ўтказиш зарурлигига бағишланди.

Семинарнинг иккинчи қисмида «Қўриқхоналар» ЭкоМаркази ходимлари мактабнинг 5-8-синф ўқувчилари учун интерфаол машқлар ва ўйин услубларини ўз ичига олган «Реликт сайғоқ антилопаси» дарсини тақдим этдилар. Дарс қўшимча таълим тизимида фойдаланиш учун тавсия этилади. Унинг мақсади: сайғоқни сақлаш бүйича жамоат томонидан қўллаб-қувватлашни шакллантириш, қўриқланадиган ҳудудларнинг тур ва унинг яшаш

жойларини ҳимоя қилишдаги ролини очиш, шунингдек ҳар бир одамнинг сайғоқни ҳимоя қилиш қобилиятини намойиш қилиш. Қуйида дарсдан машқлар ва ўйинларга мисоллар келтирилган.

Машқ. «Сайғоқ модели 1:1». Қатнашчилар сайғоқ танасининг узунлиги, яғринидаги баландлиги ва шохларининг узунлигига тенг бўлган учта арқоннинг кесмасидан унинг моделини ясаш орқали ҳақиқий ўлчамини баҳолаш имкониятига эга бўладилар.

«Чўлда трофик алоқалар» ўйини. Қатнашчилар ҳайвонлар ёки ўсимликлар ва уларнинг овқатланиш афзалликлари тавсифномасини олишади. Чекланган вақт давомида ҳар бир киши узи истеъмол қиладиган персонажни топиб екасига қўлини қўйиши керак. Ўргимчак тўри ҳосил бўлади. Бу чўл экотизимидаги мураккаб муносабатларни аниқ кўрсатади.

«Реликт сайғоқ антилопаси» дарси «Бутунроссия



IFAW фотосурати

Янгиликлар (давоми)

ёввойи табиати» дарси лойиҳасига киритилган. Дарсни ўтиш учун зарур бўлган материалларни заповедныйурок.рф сайтидан юклаб олиш мумкин. Ташриф буюрувчилар бу ердан сайғоқ тўғрисида қизиқ фактларни топишлари, видео ва фотогалереяни кўришлари, сайғоқ тўғрисидаги билимларини текшириб тестдан ўтишлари ва «Сайғоқнинг дўсти» сертификатини олишлари мумкин. ЭкоМарказ ва IFAW жамғармаси жамоаси мазкур дарс ўқитувчилар ва ўқувчиларни сайғоқни

қўллаб-қувватлаш бүйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга илҳомлантиради деб умид қилади.

Шунингдек, семинарда таниқли фотограф Евгений Полонскийнинг фотожўргазмаси ташкил этилди ва IFAW томонидан фильм намойиш этилди. Кўргазмадан олинган барча фотосуратлар Астрахань давлат университетига совға тариқасида топширилди.

«Сайғоқча изидан» экологик макети амалда

Инжиева Г.Д. 10-сон болалар боғчаси, Элиста ш., Қалмоғистон Республикаси, Россия ginzhieva@bk.ru

2017 йилда Альянс томонидан кичик грантлар дастури доирасида (*Saiga News 23-сонига қаранг*) сайғоқни сақлаш бүйича «Сайғоқча изидан» экологик макети яратилган. Бу мактабгача ва бошланғич мактаб ўқувчиларига ўйин орқали Россиянинг жанубидаги қурғоқчил ҳудудларнинг ноёб яшовчиси — сайғоқ билан танишишга, бу туёқлилар яшайдиган муҳит тўғрисида кўпроқ маълумот олишга, уларга табиатда учрайдиган асосий хавф-хатарларни кўришга ёрдам беради.

«Эко-макет»нинг барча деталлари қўл билан тайёрланган. Булар асосан ҳайвонларнинг юмшоқ шакллари бўлиб (сайғоқлар, бўрилар, тулкилар, чиябўрилар), кийгиз ва наматдан тикилган мотоциклдаги браконьер ва ҳатто буддист сайғоқларнинг ҳимоячиси — Оқ Қария. Алоҳида компонентларни, бундай машаққатли аммо жуда қизиқарли ва билимга бой ишни амалга оширишда иштиёқли болалар жуда фаол иштирок этдилар.

Экологик макет асосан Қалмоғистон Республикасининг қишлоқларида жойлашган, сайғоқ яшайдиган жойларга яқин жойлашган бир қатор болалар боғчалари ва мактабларда намойиш этилди ва болаларда катта таассурот қолдирди. Улар «дашт» ва унинг аҳолисини катта қизиқиш билан кўздан кечиришди. Улар учун энг қувонарлиси ҳамма нарсани қўл билан ушлаб кўришлари ва ҳис қилишлари, қулоқлари, думлари ва бурунларини тортиб кўришлари, мажозий равишда югуриб кўриши, «ўт» ейиши, «сув» ичиши, браконьер билан учрашиши

ва бўрилардан қочиб кетиши эди. Албатта, кичкина ўйинчоқ сайғоқчалар кўпроқ уларнинг меҳрини қозонди.

Мактаб ёшидаги болалар учун сайғоқ ҳаётининг хусусиятлари ва амалий вазибалари қисқача тавсифланган «Бизнинг антилопамиз» ахборот қўлланмаси тайёрланди. Бошланғич мактаб ўқувчилари сайғоқларнинг ҳимоячиси бўлган «Оқ Қария» афсонасини қизиқиш билан тинглашди. Улар саволлар беришди ва бугунги ҳолат билан жонли қизиқишди.

«Экомакет» туйғули кичик ёшдаги болаларга тез ва зериктирмасдан сайғоқ тўғрисида кўп нарсаларни айтиб бера олдилар ва бу ажойиб ҳайвонларнинг келажиги уларга боғлиқлигини аниқ кўрсатдилар. Ёш бўлишларига қарамай, улар чўл ҳақидаги тасаввурларини ва сайғоқларнинг оғир ҳаётини абадий ёдда сақлайдилар деб ўйлаймиз.



Яшқул тумани Чилгир қишлоғидаги болалар боғчасида маъруза. Т. Горяева фотосурати

Матбуотдан

Мўғул сайғоғини қаттиқ қиш кутмоқда

WF-Мўғулистон мутахассислари сайғоқни сақлаш бүйича инспекторлар билан биргаликда 2018 йил декабрда сайғоқнинг яшаш жойларига ҳолатни ўрганиш учун ташриф буюришди. Туёқлиларнинг асосий яшаш жойларида жойлашган (Шаргийн Гоби, Хуисейн Гоби) яйловлар жуда ёмон таназзулга учраганлиги ва сайғоқларнинг тарқалиши анча чекланганлиги аниқланди. Илгари бу жойларда сайғоқларнинг нисбатан катта сони яшаган — йил давомида камида 200-300 бош. Бу сафар 10 та ҳайвонлардан иборат биттагина пода қайд этилди. Бу факт популяция сонининг кескин камайганлигидан далolat беради.

Б. Бацайхон, инспекторлар гуруҳининг раҳбари: «Ўтган ёз жуда қуруқ эди, шунинг учун яйловлар жуда ёмон аҳволда. Ёввойи ҳайвонлар учун ҳам, уй ҳайвонлари учун ҳам ўт етарли эмас, шунинг учун маҳаллий чўпонлар чорва шароити яхши бўлган узоқ жойларга кўчиб ўтишмоқда. Омон қол-

ган сайғоқлар ҳозирда чорва молларидан қолган яйловда озуқа қидириш учун бутун ҳудуд бўйлаб тарқалиб кетган. Яқинлашиб келаётган қаттиқ қиш қолган сайғоқларнинг ҳаётига хавф солмоқда.

Қурғоқчилик ва жутнинг кутилаётган оқибатларини камайтириш бүйича энг мақбул чоралар, биринчи навбатда сайғоқларнинг миграция йўллари одамлар ва чорва молларидан озод қилиш; иккинчидан, Мўғулистонда турларнинг тарихий ареалини тиклаш учун сайғоқни кўпайтириш марказини барпо этиш; учинчидан, қўриқхона ҳудудида фақат сайғоқ учун мўлжалланган яйловларни чорва молларидан тозалаш; ва ниҳоят, қўшимча фойдаланиш учун сайғоқнинг яшаш жойларида пичан ва табиий ўсимликларни максимал даражада сақлаш. WWF маълумотларига кўра 2018 йил апрель ойи ҳолатига фақатгина 3000 мўғул сайғоғи қолган. Батафсил маълумот: <https://www.webwire.com/ViewPressRel.asp?ald=233698>

Пластик мўғул сайғоқлари учун хавф туғдиради

Пластик чиқиндилар нафақат денгиз яшовчиларига, балки Гоби чўлининг ҳайвонларига ҳам таҳдид солади. Мўғулистоннинг Олтой аймаки — сомондан инспектор Баян-Уул Гоби Хуйсийн-Гобида сайғоқнинг ярим парчаланган танасини топди. Унинг сўзларига кўра, мўғул сайғоғи полиэтилен тўрва еган.

Сўнгги йилларда қишлоқ аҳолиси полиэтилен тўрвалардан тобора кўпроқ фойдаланмоқдалар

ва Гоби чўлида кундан-кун кўпроқ пластик чиқиндиларни кўриш мумкин. Афсуски, мўғул сайғоқлари каби ноёб ҳайвонлар озиқ-овқатнинг камлиги сабабли пластик чиқиндиларни истеъмол қилишлари аниқ.

Батафсил маълумот: <http://asiarussia.ru/news/21024>

Украинада сайғоқни кўпайтириш учун янги парваришхона ташкил этилди

Хитойнинг «Шенчжень Тан Фармасьютикал» (Shenzhen Tan pharmaceutical company) компанияси Украинанинг Херсон вилоятидаги Камиш қишлоғи яқинида 97 гектар ерни 7 йилга ижарага олди. У ерда хитойларга 10 миллион гривнадан кўпроққа тушган сайғоқларни кўпайтириш учун иншоот қурилди (350 минг АҚШ долларидан ортиқ). Ийртқичларни қайтариш учун баланд тўсиққа

электр чўпон қурилмаси, видеокузатув камералари ва уларнинг атрофида ёнғинларнинг олдини олиш учун ҳимоя чизиғи ўрнатилди. Бундан ташқари, бутун тизим қуёш панеллари билан ишлайди. Иншоотга Аскания-Нова қўриқхонасида парваришхона эгалари томонидан сотиб олинган 23 сайғоқ жойлаштирилди.

Сайғоқлар Украина жанубидаги даштларда XIX

Матбуотдан (давоми)

асрнинг иккинчи ярмигача бутунлай қириб ташланганларича яшаган. Ўтган асрнинг 70-йилларида Қалмоғистондан 72 та антилопа яна «Аскания» га олиб келинди ва ҳозирда уларнинг сони 700 бошга етди — дейди қўриқхона директори Виктор Гавриленко. — Аммо, бизда асосий пода ярим эркин шароитда сақланади ва одам яқинлашишига имкон бермайди. Парваришхона шароитида сақлаш учун биз ҳайвонларни туғилганидан кейин боқиб катта қилиш орқали тайёрладик. Шундай қилиб, улар одамларга ўрганиб қолишган ва вақти-вақти билан ҳатто уларни ёнига яқин келиб силашларига ҳам қаршилиқ кўрсатишмайди. Айнан шу антилопалар янги иншоотга кўчирилган.

Хитойликлар Украинада ва дунёда дашт антилопалари сонини кўпайтириш учун сайғоқларни Украинада кўпайтиришга ҳаракат қилишмаяпти. Лойиҳа жуда истиқболли тижорат мақсадига эга. Ахир, компания ХХРга сайғоқларнинг терилари ва шохларини ҳамда келажакда тирик туёқлиларни экспорт қилмоқчи. Хитойликлар учун шохлар бир қатор анъанавий тиббиёт воситаларининг ажралмас қисми ҳисобланади. «Аскания-Нова» қўриқхонаси аввалги йилларда бу ерда табиий ўлим туфайли вафот этган 30 та сайғоқларнинг бош суяги ва ўнлаб терисини ўз омборидан Самовийга юбор-

ди. Улар захирада тўпланган пул эвазига ҳайвонларнинг емини сотиб олдилар ва ҳозирда ХХРга жўнатиш учун 130 бош суякнинг иккинчи партиясини тайёрламоқда. Бундай махсус маҳсулот учун тўловлар трактор, пресс ва юк машинасини сотиб олиш учун етарли бўлиши керак. Шунингдек, хитойлик шериклар бокира чўлни қўриқлаш ва экскурсиялар ўтказиш учун янги «Форд рейнджер» пикап машинасини тақдим этдилар. Аммо, украиналик олимлар учун машина эмас, балки хусусий инвестор ҳисобидан сайғоқларни кўпайтириш лойиҳаси муҳимдир. «Аскания-Нова» буни тажриба-синов — ўстириш технологиясини батафсил ишлаб чиқиш имконияти, касалликлар профилактикаси ва ноёб ҳайвонлар вакилларини қўриқлаш, буни Украинанинг бошқа ҳудудларида ҳам қўллаш мумкин бўлсин деб ҳисоблайди. Хусусан, ушбу мақсад учун тўғри келадиган, юриш учун фойдаланилмайдиган ерлар Геническ и Новотроицк туманларида мавжуд. Шунингдек, улар Запорожск и Черкасск вилоятларида ҳам етарли.

Батафсил маълумот: <http://khersonline.net/novosti/obschestvo/122584-na-hersonschine-kitayskie-biznesmeny-i-ukrainskie-uchenye-obedinili-usiliya-dlya-razvedeniya-saygakov.html>



Сайғоқларни овқатлантириш. Владимир Дорофеевнинг фотосурати

Мақолалар

Шимолий-Ғарбий Каспийбўйи сайғоқ популяцияси динамикасининг индивидуумга йўналтирилган модели

Родникова А.Ю.^{1*}, Каримова Т.Ю.², Луцкеина А.А.², Ячменникова А.А.², Грибов К.А.³, Рожнов В.В.², Гольцман М.Е.¹

¹М.В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, Москва, Россия; ²А.Н. Северцов номидаги Экология муаммолари ва эволюцияси институти, Москва, Россия; ³ООО «МГ Апокриф», Москва, Россия

*Муаллиф-корреспондент: Анна Родникова anna.rodnikova@gmail.com


Шимолий-Ғарбий Каспийда сайғоқ популяциясининг динамикасини белгилловчи омилларни таҳлил қилиш учун муаллиф томонидан индивидуал йўналтирилган модель ишлаб чиқилди, унинг кириш параметрлари 1948 йилдан 1998 йилгача, яъни замонавий популяция депрессияси даври бошланишидан олдин олинган эмпирик маълумотларга асосланади (1-жадвал).

Индивидуал йўналтирилган моделнинг ўзига хос хусусияти ҳар бир индивидуумнинг ҳаётий циклини унинг хусусиятларини (жинси, ёши ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда симуляция қилишдир. Ҳар бир индивидуум ҳар йили кўпайиш жараёнида иштирок этади ва ўзига хос циклнинг ҳар бир босқичи ҳамда унинг ёши ва жинси гуруҳига хос бўлган эҳтимолли ўлим хавфига учрайди. Моделнинг иш босқичи 1 йил, популяциянинг ҳажми ҳамда ёши ва жинси таркибидаги ўзгаришлар бир босқичдан бошқасига ўтиш даврида ҳисобланади. Ушбу ёндашув биологик нуқтаи назардан интуитив

равишда тушунарли ва моделлаштирилган турлар тўғрисидаги билимлар тўпланиб бориши билан алоҳида шахснинг тақдирига турли таъсирларни симуляция қиладиган моделга осонгина суб-моделни қўшишга имкон беради. Модель Python 3.7 дастурлаш тилида ёзилган ва Jupyter Notebook дастурида кўрсатилган кодда ишлашни бошлашдан олдин параметрларни ўзгартириш орқали тажриба жараёнини бошқаришга имкон беради.

Моделда популяция жинси ва ёши бўйича тузилган ҳамда йил давомида болалаш босқичи (май), йиғилишнинг шаклланиш босқичи (август) ва кўпайиш босқичи (ноябрь-декабрь) дан ўтади. Бунда ҳар бир индивидуумга тегишли параметрлар қўлланилади (1-жадвал). Модел, шунингдек, об-ҳаво шароитларини ҳам ҳисобга олади. Шундай қилиб, туғилиш ва ўлим қулай йилларга берилади. Ноқулай йилларда ўлимнинг ўсиши ва туғилишнинг пасайишининг тегишли кўрсаткичлари қўлланилади.

Моделнинг синовлари шуни кўрсатдики, қулай



1-расм. Базавий параметрлар бўйича популяциянинг ўсиши (қулай йиллар учун яшашни ҳисоблаш, жинси ва ёш таркиби ўзгармасдан, популяцияга салбий об-ҳаво таъсири йўқ, ов ва браконьерлик). Компьютернинг ҳаддан ташқари юкланишига йўл қўймаслик учун N=5 000 000 га етганида моделнинг иши сунъий равишда тўхтатилди (моделнинг 100 марта ишлатилиши ва 95% ишонч оралиғи учун ўртача қийматлар берилган).

Мақолалар (давоми)

1-жадвал. Моделда ишлатиладиган параметрлар (А. Г. Банников ва бошқалар (1961), А. И. Близнюк (2009), О. М. Букреева (2002), Л. В. Жирнов (1985) ва бошқалар)

Параметр номи	Қиймати
Моделнинг муддати	1 йил
Ёз даври (болалаш босқичидан кейин)	май-август
Куз даври (йиғилишнинг шаклланиш босқичидан кейин)	сентябрь-ноябрь
Қиш-баҳор даври (кўпайишдан кейин)	декабрь-апрель
жинси	эркак/аёл
ёши (йил)	Туғилганида 0 дан ва кейин +1
ҳомиладорлик	ҳа/йўқ
1 ёшгача бўлган ҳайвонлар учун юқори ёш чегараси	1 ёш (ҳисобга олинмаган)
Катта ҳайвонлар ёшининг юқори чегараси	Мавжуд эмас
Эркакларда балоғатга етиш ёши	1,5 ёш
Урғочиларда балоғатга етиш ёши	6 ой
Туғилишда жинслар нисбати (эркаклар урғочиларга)	0,98
эркаклар учун туғилгандан кейин биринчи соатларда ўлим	0,065
урғочилар учун туғилгандан кейин биринчи соатларда ўлим	0,062
Ёз даврида 1 ёшгача бўлган болаларнинг ўлими (эркаклар)	0,144
Ёз даврида 1 ёшгача бўлган болаларнинг ўлими (урғочилар)	0,147
Ёз даврида катталарнинг ўлими (эркаклар)	0,027
Ёз даврида катталарнинг ўлими (урғочилар)	0,089
Куз даврида 1 ёшгача бўлган болаларнинг ўлими (эркаклар)	0,048
Куз даврида 1 ёшгача бўлган болаларнинг ўлими (урғочилар)	0,047
Куз даврида катталарнинг ўлими (эркаклар)	0,048
Куз даврида катталарнинг ўлими (урғочилар)	0,047
Қиш-баҳор даврида 1 ёшгача бўлган болаларнинг ўлими (эркаклар)	0,028
Қиш-баҳор даврида 1 ёшгача бўлган болаларнинг ўлими (урғочилар)	0,027
Қиш-баҳор даврида катталарнинг ўлими (эркаклар)	0,098
Қиш-баҳор даврида катталарнинг ўлими (урғочилар)	0,027
Эркаклар етишмаслигида бир эркакка нечта урғочининг тўғри келиши	15,5
Катта урғочиларнинг ҳомиладорлик эҳтимоли	0,98
Бир ёшга тўлмаган урғочиларда ҳомиладорлик эҳтимоли	0,86
Бир ёшга тўлмаганларда эмбрионлар сони	1
Катта урғочилардаги эмбрионлар сони	1,6
200 минггача бўлганда кузги ов	3,3%
200 мингдан 600 минггача бўлганда кузги ов	14,7%
600 мингдан ортиқ бўлганда кузги ов	20%
Қурғоқчилик ва жут вақтида туғилиш коэффициентининг пасайиши	8,2
Ёзги қурғоқчилик даврида ўлим коэффициентининг кўтарилиши	3
Кузги қурғоқчилик даврида ўлим коэффициентининг кўтарилиши	2
Қишги қурғоқчилик/жут даврида ўлим коэффициентининг кўтарилиши	5

Мақолалар (давоми)

йиллар учун ҳисобланган базавий параметрлар билан йилига ўртача популяциянинг ўсиш $36 \pm 4\%$ ($M \pm SD$) ташкил қилади (1-расм). Бу сайғоқ умумий сонининг жуда тез кўпайишига олиб келади.

Табиатда популяциянинг ўсишига йил давомидаги циклни турли босқичларида об-ҳавонинг ноқулай шароитлари ўз таъсирини кўрсатади. Масалан: ёзги ва кузги қурғоқчилик ва қишги яйловларнинг (жут) музлаши ҳайвонлар ўлимини бир неча баробар оширади. Қишнинг қаттиқ шароити кўпайиш босқичидан кейин заифлашган жинсий етилган эркак ҳайвонларнинг сонига кучли таъсир қилади, қурғоқчилик урғочиларнинг кўпайишини сусайтиради, болалаш вақтида ёлган ёмғирлар янги туғилган сайғоқларни ўлимга олиб келади.

Моделга қишги даврда жутнинг йиллик таъсирининг қўшилиши популяциянинг ўртача ўсишини қарийб 2 бараварга камайтиради (йилига $19 \pm 1\%$ гача). Жутдан кейинги қўшилиш урғочиларнинг репродуктивлигининг пасайиши уларнинг сонини аста-секин $1,5 \pm 0,8\%$ га пасайишига олиб келади. Маълум бўлган барча ноқулай об-ҳаво шароитларининг ҳар 4 йилда бир марта қўшилиши сонларнинг тўрт йиллик ўзгаришига олиб келади, аммо ижобий ўсиш сақланиб қолади (2-расм).

Биз ўрганаётган даврда сайғоқ популяциясининг сони режалаштирилган кузги ов билан назорат қилинди, уларнинг ўлчами ҳайвонларнинг ёзги сонини ҳисобга олган ҳолда аниқланди. Кузги овни моделга қўшиш популяциянинг ўсишини йилига


$7 \pm 1\%$ гача қисқартиради (ёзги популяцияга 600 минг бошга етганда ва кузги ов квотаси 20 фоизга етганда) (3-расм).

Тест қизиқарли натижаларни ҳақиқий шароитларга энг яқин бўлганда кўрсатади, яъни узоқ муддатли метеорологик кузатишлар ва тадқиқот даврида кузги овни ўтказишга асосланган ноқулай шароитларни моделга схема бүйича киритиш (4-расм).

Натижада 90-йилларнинг охирида рақамларнинг сезиларли даражада пасайиши бундан мустасно бўлган ҳисоблашнинг маълумотлари билан таққосланадиган рақамнинг динамикаси қўлга киритилди.


Бу шуни кўрсатадики, ўша йилларда табиий популяция динамикадаги ўзгаришлар биз ҳали моделга киритмаган баъзи омиллар таъсири остида бўлган. Кейинги тажрибаларда, ҳаёт циклининг турли параметрлар ва турли босқичлардаги ўзгаришларга нисбатан популяциянинг қиёсий сезгирлигини аниқлаш режалаштирилмоқда, бу энг муҳим таъсирларни аниқлашга ва популяциянинг ушбу ўзгаришларга реакциясини тахмин қилишга ёрдам беради.

Нисбатан фаровонлиги ва популяциясини интенсив ўрганиш йилларида олинган сайғоқнинг ҳаётий циклининг эмпирик хусусиятларидан фойдаланган ҳолда, модель унинг ҳолати ва динамикасини ҳаққоний баҳолайди, шунингдек, алоҳида омиллар популяциясининг ўсиши ва таркибига таъсирини



2-расм. Ҳар 4 йилда ҳар қандай ноқулай шароитларга дуч келган ҳолда сайғоқ популяциясининг тестдаги динамикаси (ўртача 100 марта ўтказилган).

Мақолалар (давоми)




3-расм. Ҳар йиллик кузги овни моделга қўшилганда сайғоқ популяциясининг динамикаси (ўртача 100 марта ишга туширилган).

микдорий баҳолашга имкон беради. Моделлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, қулай йилларда популяциянинг жуда тез ўсиши — бу турларнинг тез-тез содир бўладиган ҳалокатли об-ҳаво шароитига эга атроф-муҳитга мослашишидир. Моделдан фойдаланиш ва келажакда ривожланиш истиқболлари популяциянинг депрессия шароитида ўзгариши ва кичик кўриқланадиган ҳудудда яшаш жойларининг ўзгариши ва албатта, популяция депрессиянинг тегишли омилларини аниқлашга боғлиқ. Бу фақат ушбу популяцияни ҳар томонлама узоқ муддатли дала тадқиқотини ташкил этиш билан амалга оширилади. Бундай лойиҳада инди-

видуал йўналтирилган модель дала маълумотларини таҳлил қилишда муҳим восита бўлади.

Муаллифлар Астрахань вилоятидаги «Степной» кўриқхонаси ходимларига ўз миннатдорчилигини билдиради. Уларнинг ёрдамисиз ушбу тадқиқотни амалга ошириш мумкин бўлмаган бўлар эди. Шунингдек, Сайғоқни сақлаш бүйича Альянсга «Осиё-2018» конференциясида натижаларни тақдим этишда кўрсатган ёрдамлари учун миннатдорчилик билдиради. Ушбу иш РФФИ томонидан қўллаб-қувватланди (№ 15-29-02459).



4-расм. Эмпирик маълумотларга асосланган схема бүйича кузги ов ва ноқулай шароитлар тўғрисидаги маълумотларни қўшилган сайғоқ популяциясининг динамикаси (ўртача 100 прогонов). Бинафшаранг Шимолий-Ғарбий Касбийбүйидаги рўйхатга олиш маълумотларига кўра сайғоқ популяциясининг сонини кўрсатади.

Мақолалар (давоми)

2018 йил кузда Астрахань вилоятидаги «Степной» кўриқхонаси артезиан қудуғи яқинидаги сайғоқлар подасининг жинс ва ёш жиҳатидан таркиби

Гилёв А. Н.*, Каренина К. А. Санкт-Петербург Давлат университети

*Муаллиф: Андрей Гилёв zoology.gilev@gmail.com

Дунё бүйича сайғоқлар тобора камайиб бормоқда. Россияда сайғоқларнинг жадал равишда камайиб кетишининг асосий сабаби жинсий мувозанатнинг бузилишидан иборат (Milner-Gulland, et al., 2003). Сайғоқларнинг шохларини қўлга киритиш мақсадида ноқонуний равишда уюштирилаётган овлар туфайли вояга етган сайғоқларнинг сони сезиларли даражада камайиб кетди. Масалан, 2014 йили урчиш даврида Каспий бўйининг Шимолий-Ғарб ҳудудидаги подаларда эркак сайғоқлар бор-йўғи 0,1 фоизни ташкил этган эди (Калмиков, 2015). Балоғат ёшидаги эркак сайғоқларнинг камайиб кетиши, эҳтимол, сайғоқларнинг ижтимоий ҳаётига таъсир қилиб, жон бошининг кўпайишига тўсқинлик қилади (Milner-Gulland, et al., 2003). Шу сабабли ҳам сайғоқлар подасидаги балоғат ёшга етганларини ҳамда ҳайвонот оламидаги мазкур турни сақлаб қолиш учун доимий мониторинг ўтказиб туриш зарурати туғилмоқда.

Россиянинг Астрахань вилоятидаги «Степной» кўриқхонаси ҳудудидаги сувлоққа келувчи балоғатга етган сайғоқлар гуруҳини таҳлил қилишга муваффақ бўлдик. Кўриқхонада сайғоқларнинг турини асраш ва қайта тиклаш бүйича амалга оширилган ишлар туфайли айнан шу ерда уларнинг жинсий уйғунлиги тикланаётгани кўзга кўрина бошлади деб тахмин қилиш учун сабаб бўлмоқда. Кўриқхонада сайғоқларнинг йил мобайнида, аynиқса кўпайиш даврида уларни безовта қилмаслик учун назорат кучайтирилган. Бундан ташқари, кўриқхонада сайғоқлар сонини ҳисобга олиш ишлари, шунингдек уларни доимий кузатиб бориш учун барча шароитлар яратилган.

Кузатув ишлари 2018 йилнинг 26 сентябридан 5 октябрга қадар махсус мосламалар ёрдамида йи-



Самец сайгака в окружении молодняка подходит к артезиану. Фото Андрея Гилёва, Карины Карениной

рик артезиан қудуғи атрофида амалга оширилди. Мазкур артезиан ҳавзаси сайғоқларнинг чанқоғини қондириш билан бирга, улар учун зарурий маъданларга бўлган эҳтиёжини тўйдириш учун хизмат қилади.

Биз ҳар куни сайғоқларни ҳавза ёнида кузатишга муваффақ бўлдик. Қудуқ ёнига ёлғиз урғочи сайғоқлар, шу йили дунёга келган болалик урғочилар, икки жинсга мансуб вояга етмаган сайғоқлар, 3 дан 10 тагача бўлган турли жинсдаги гуруҳлар, ҳамда 30 дан 350 тагача катта гуруҳларнинг яқинлашиб келганининг гувоҳи бўлдик. Ўрта ҳисобда ҳавза ёнига ҳар куни 70 га яқин сайғоқлар келиб, чанқоқларини қондиришар эди. Сайғоқлар куз даврида ҳавзадан ёз мавсумига нисбатан камроқ фойдаланишлари шубҳасиз. Масалан, 2015 йилнинг май ойида кун давомида 500 га яқин сайғоқ ҳавзадан фойдаланган. Баъзида 1500 га яқин сайғоқлар ҳавза ёнига келгани қайд қилинган.

Ҳавза ёнига келган барча сайғоқлар таркиби 1-сонли жадвалда кўрсатилган


1-жадвал. 2018 йилда ҳавзадан фойдаланган сайғоқлар таркиби.

Етилган урғочи сайғоқлар (≥16 ой)	Етилган эркак сайғоқлар (≥16 ой)	Жорий йилда туғилган урғочи сайғоқлар (≥4 ой)	Жорий йилда туғилган эркак сайғоқлар (≥4 ой)
35%	18%	21%	26%

Мақолалар (давоми)

Кўплаб сайғоқлар 10:00 ва 12:00 ораллигида артезиан қудуғи ёнига яқинлашиб келишган. Бу май ойида олиб борган қузатувларимиздан фарқ қилиши аниқ бўлди. Чунки шу ойда улар бу ерга 04:00 да келишган эди. Бу эса сайғоқларнинг фаоллиги турли мавсумда ҳар хил эканидан дарак беради. Шунингдек, куз мавсумида ҳам сайғоқларнинг сув ҳавзасидан фойдаланиши кеч баҳоргидан фарқ қилади. Май ойида артезиан ёнига яқинлашиб келаётган деярли ҳар бир сайғоқ анча муддат (40 дақиқагача) маъдан ва табиий адсорбентларга бой бўлган тупроқдан озикланиб, сўнг чанқоғини қондирган бўлса, куз мавсумида 1 % дан камроқ сайғоқлар бир оз муддат тупроқдан озикланиб, сўнг ҳавзага яқинлашар эди. Уларнинг ижтимоий алоқалари ҳам майга нисбатан камроқ юзага келар эди. Баҳор мавсумида артезиан атрофидаги текис ерлар сайғоқларнинг ижтимоий алоқалари учун хизмат қилади: эркак сайғоқлар ўртасидаги тўқнашувлар, вояга етган урғочиларнинг дўстона ёки тажовузкор учрашувлари, эркак сайғоқларнинг урғочиларни бир гуруҳга йиғиши ва сайғоқчаларнинг биргаликдаги ўйинлари шу ерда бўлиб ўтади (Гилёв, Каренина, 2016). Кузда эса катта сайғоқлар ўртасидаги бундай учрашувлар кам қузатилади, ўспиринлари эса умуман ўзаро алоқага киришишмайди. Сайғоқлар бу даврда артезиан ёнига фақат сув ичиш ва озикланиш учун яқинлашиб келиб, бу ерда беш-ўн дақиқадан узоқ қолишмайди.

Кузатув давомида ҳавонинг мусаффолиги нафақат сув ҳавзасига яқинлашиб келган сайғоқларни, балки бир неча километр наридагиларини ҳам



Сайғоқлар подаси артезиан ёнида (биринчи планда шу йили дунёга келган эркак сайғоқлар). Андрей Гилёв, Карина Каренина суратлари

ҳисобга олиш учун имконият яратди. Артезиан атрофидаги яйловларда сайғоқларнинг йирик подалари қайд этилди: 29 сентябрда — 3500 га яқин, 30 сентябрда — 1500 га яқин, 1 октябрда — 500 га яқин сайғоқлар рўйхатга олинди. Аммо жон бошининг кўплиги туфайли уларнинг жинсий мансублигини аниқ белгилаш мушкул бўлиши турган гап, бироқ поданинг 20 фоизи 16 ой ва ундан катта эркак сайғоқларни ташкил этиши тахмин қилинган (уларнинг шохлари узоқдан яққол кўриниб турар эди). Подадаги кўплаб сайғоқлар пешин чоғида ҳам ўтлаб юришар эди, йилнинг иссиқ ойларида улар асосан эрта тонг ёки оқшом паллада шундай қилиши маълум.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, куз мавсумида сайғоқлар томонидан артезиандан фойдаланиш ва уларнинг фаоллиги пастлигига қарамай, мазкур мавсумда уларни рўйхатга олиш учун мос келади. Кузатув учун ҳавонинг мусаффолиги билан бирга, подадаги шу йилда дунёга келган эркак сайғоқларнинг кичик шохчалари ва йирик сайғоқларнинг таналари уларнинг у ёки бошқа жинсга мансуб эканини аниқлаш учун имконият яратди. Албатта, Каспий бўйининг Шимолий-Ғарб ҳудудидаги вояга етган сайғоқлар жон бошини рўйхатдан ўтказиш учун кенг кўламда иш олиб бориш зарур. Агар куз мавсумида шу йили дунёга келган жониворларнинг жинси аниқланмаса, бу ҳолда шу каби тадқиқотлар йилнинг иссиқ даврида, сайғоқлар сув ҳавзаси ёнида кўплаб тўпланган пайтда олиб борилади. Сайғоқларни сув ҳавзалари ёнида рўйхатга олиш, уларни қимматбаҳо бўлган учар аппаратлар ёрдамида ҳисобга олишдан кўра арзонга тушиши мумкин (Mullero-Pázmány et al., 2017).

Мазкур илмий иш РНФ ёрдамида амалга оширилди (грант № 14-14-00284). Муаллифлар тадқиқот ишларини уюштиришда ва сайғоқларни асраш ишига қўшган улкан ҳиссаси учун «Степной» кўриқхонаси ходимлари ва шахсан кўриқхона директори В. Г. Калмиковга миннатдорлик билдирадилар.

Мақолалар (давоми)

Возрождение оролидаги сайғоқлар тарихи

Быкова Е.А., Есипов А.В. Сайғоқларни асраш бўйича бирлашма ebykova67@mail.ru

Ўтмишда орол бўлиб, ҳозирги кунда ярим оролга айланган Возрождение ороли — Ўзбекистонда кам ўрганилган ҳудудлардан ҳисобланади. У Орол денгизининг собиқ акваториясида жойлашган бўлиб, бир неча ороллар гуруҳини ўзи ичига олган. Булар «Шоҳ ороллар» ҳисобланмиш — Возрождение, Комсомольский ва Константа, майда ороллар — Лазарев ва Беллинсгаузен ороллари, шунингдек Орол денгизининг собиқ туби ҳудудлари (Суратда). Возрождение ярим ороли икки давлат ораллигидаги ҳудуд саналиб, унинг катта қисми Ўзбекистондаги Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманига, кичик қисми эса Қозоғистоннинг Қизил

Ўрда вилоятидаги Орол туманига қарашли. Бундан ташқари, Орол денгизининг Қозоғистонга тегишли собиқ акваториясида бир пайтлар Борса келмас (шу номли ўзига хос кўриқхонаси билан) ва Кўк Орол номли йирик ороллар ҳам мавжуд эди.

Манбаларга кўра, Возрождение ороли XVI асрнинг охирида XVII асрнинг бошларида пайдо бўлган бўлиб (Кривоногов, 2009), 1848 йили Алексей Бутаков экспедицияси томонидан қайд этилган. Ўша пайтларда мазкур орол «Подшоҳ Николай I ороли» деб номланган. 1960 йиллар бошларида орол ҳудуди тахминан 216 км² ташкил этган, бироқ Орол денгизи сувининг камайиши оқибатида унинг май-



Сурат. (А) Орол денгизининг 1960 йилдаги харитаси ва (Б) 2010 йилдаги аҳволи, <http://mix.tn.kz/mixnews/sverh-sekretniy-gorod-v-aralskom-more-259007>

Мақолалар (давоми)

дони кенгайиб, оқибатда ярим орол шаклига келган. 2009 йилда эса қитъага буткул қўшилиб, у ерга автотранспорт воситалари ёрдамида етиб бориш имкони пайдо бўлган. 1942 йилдан то 1992 йилга қадар оролда ҳарбий қисм жойлашган бўлиб, 2017 йилгача ушбу ҳудудга ташриф буюриш таъқиқ остида бўлган. Шу сабабли ҳам ҳозирги давргача оролнинг табиати ва ҳайвоноти доимий равишда ўрганиб бориш учун имкон бўлмаган.

Орол денгизи мавжуд бўлганидан буён иқлим ҳамда унга келиб қўйилган Амурарё ва Сирдарёларнинг оқими ўзгариши туфайли, ундаги сув миқдори тез-тез ўзгариб турди. Оролдаги жонзотлар у ерга қандай бориб қолганлари маълум эмас, шунга қарамай, ўрта асрларда сувнинг кескин равишда камайиши бунга сабаб бўлган деб тахмин қилинмоқда. Орол денгизидаги сувнинг камайиши ва келгусида қайта тикланиши 300 йил давом этган деган фараз ҳам бор (XIII асрнинг охири — XVI асрлар). Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Орол денгизидаги сувнинг ўта камайиб кетиши XIV асрга тўғри келиб, бу давр тахминан 100 йил давом этган (Кривоногов, 2009). Орол денгизининг қуриб қолган тубини жонзотлар томонидан эгалланиши айнан шу пайтда бошланиб, сув қочгач оролардаги ҳайвонлар қитъадан ажралиб қолишган. Эҳтимол, жонзотлар ороларга Устюрт ва Амударё оқимлари томонидан, шунингдек Қизилқумнинг Шимолий-Ғарбидан келиб қолгандирлар. Шундай қилиб, у ердаги ҳайвонот дунёсининг пайдо бўлиши комплекс равишда амалга ошиб, денгизга сув қайтгач эса, орол турида ривожлана бошланган. Ҳозирги пайтда ўтмишда бўлган воқеа яна такрорланмоқда ва Орол бўйи ҳамда Шимолий-Ғарбий Қизилқумда янги қуруқлик пайдо бўлиши оқибатида мазкур ҳудуд ўта кучли сукцессион (турларнинг тасодифий учрашуви оқибатида ўзаро ҳаракати) жараёни бошдан кечирмоқда. Аммо сукцессион жараён секин ривожланмоқда ва ҳозирги пайтда бу ерлардаги ҳайвонот дунёсини собиқ ороларда, шунингдек Орол денгизининг қуриб бораётган тубида кузатишимиз мумкин.

Возрождение ороли ҳақида гап борар экан, биз ўз мақоламызда барча «Шоҳ ороллар» ни кўзда тутган ҳолда фикр юритамиз. Собиқ ороллар тупроқли, қумли ярим саҳролар ва тошлоқ саҳролардан иборат. Бу ерларда унча катта бўлмаган жарликлар мавжуд бўлиб, ороллар сатҳи қавариқлигини



Возрождение оролининг марказий қисмидаги тузли кўл ўрнидаги шўрхок ер. Александр Есипов сурати

яққол кўрсатиб туради. Қуриб бораётган кўллар ўрнида пайдо ўлган шўрхок ерлар қуюқ қамишлар билан ўралган. Ороларда ичимлик суви йўқ. Собиқ Возрождение оролида инсон фаолиятининг излари мавжуд: Кантубек ҳарбий шаҳарчасининг ҳаробалари, аэропорт ва бандаргоҳ вайроналари. Ҳозирги кунда ороллар Россия газ саноат компаниялари томонидан ўзлаштирилмоқда.

Оммавий адабиётлардан келиб чиққан ҳолда (Зарудный, 1915; Ишунин, 1961; Нуриджанов А., 2009, 2010; Нуриджанов Д., 2009; Быкова и др., 2017, 2018) оролардаги ҳайвонот дунёси 127 турни ташкил этади: амфибиянинг 1 тури, судралиб юривчиларнинг 12 тури, паррандаларнинг 93 тури, сут эмизувчиларнинг 21 тури. Марказий Осиё тошбақаси *Agrionemys [Testudo] horsfieldi*, пушти фламиго *Phoenicopterus roseus*, чўл бўктаргиси *Circus macrourus*, чўл бургути *Aquila nipalensis*, қиронқора *A. heliaca*, бургут, чўл куйкаси *Falcon aumanni*, оққорин булдуруқ *Pterocles alchata*, узун тиканли кирпи *Hemiechinus [Paraechinus] hypomelas* ва сайғоқ *Saiga tatarica* Табиатни Ҳимоя Қилиш Халқаро ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Қизил Китоби рўйхатига киритилган.

Возрождение оролининг сайғоқлари камида 400 йил мобайнида изоляцияда ривожланган ягона турлардан бири ҳисобланади. Борсакелмас оролида яшаган сайғоқлар 1950 йилларда сунъий равишда шаклланди. XIX аср охирида Возрождение оролидаги сайғоқларнинг жон боши ўта юқори даражада бўлган. Бутаков экспедицияси аъзолари у ерда сайғоқларнинг улкан подалари ўтлаб юргани ҳақида маълумот беришган <http://st-zajac.livejournal.com/13805.html>. Л. С. Берг (1908) 1897 йилнинг баҳор ойида бир саноатчи Хитойга шохларини сотиш учун 1500 сайғоқни қириб ташлагани-

Мақолалар (давоми)

ни таъкидлайди. А. Нуриджановнинг фикрига кўра (2010) 2007-2010 йилларда ярим оролда 100-150 га яқин сайғоқ бўлган. Ҳайвонлар маҳаллий ороларда ҳам, Орол денгизининг собиқ тубида ўсимлик ўсган жойларида ҳам учраб турган. Собиқ Лазарев оролида 2012-2013 йилларнинг қиш мавсумида 200-250 га яқин сайғоқларнинг тўплангани қайд этилган. Шунингдек, уларнинг маълумотларига кўра, сайғоқлар кўпайиш даврида Возрождение оролининг Шимолий-Ғарбий қисмидаги кичик кўллар яқинида тўпланишган. 2015 йилнинг февраль ойида Орол денгизининг қуриган туби ва Лазарев оролига туташ ҳудудларда сайғоқларнинг 150-200 та янги изларини кузатдик (Быкова, Есипов, 2016).

Узоқ вақт давомида Возрождение оролида ажралиб қолган сайғоқлар популяцияси Қозоғистоннинг шимолига кўчиб юривчи турларидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда ўзидан насл қолдира олувчи популяция ҳисобланиб келган. Бироқ, Орол денгизи сатҳининг пасайиши одамлар ва ҳайвонларнинг янги қуруқлик бўйлаб ҳаракатланишига туртки бўлди. Сайғоқлар популяциясининг ҳозирги ҳолатини, шунингдек, унинг атрофидаги ҳудудлар аҳолисининг таъсир даражасини ўрганиш учун, 2016 йил сентябрь ва 2017 йил май ойларида биз архипелагни ўрганиш ва маҳаллий аҳолини (Орол денгизи яқинида яшайдиган чўпонлар, балиқчилар ва қишлоқ аҳолисини, шу қаторда Возрождение ороли яқинида жойлашган Мўйноқ қишлоғидагилари орасида), шунингдек чегара қўриқчилари, вабога қарши хизмат ва ушбу соҳа бўйича хизмат сафарига келганлар ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали ходимларидан сўров ўтказдик.

Биз А. Нурижонов раҳбарлигида бир гуруҳ мутахассислар томонидан илгари ўрганилган ва маҳаллий аҳоли томонидан кўрсатилган барча жойларни ўрганиб чиқдик. Фақатгина 2017 йилда Возрождение оролининг Жануби-Ғарбий қисмида (Сулама вилояти) тўртта сайғоқ гуруҳининг янги излари (жами 18 катталар ва 2 кичик) рўйхатга олинди. Поданинг ўртача ҳажми 5 жон бошидан иборат эди. Болалаган урғочи изларини топиш ушбу ҳудудда сайғоқ кўпайганлигини тасдиқлайди. Бундан ташқари, шохли сайғоқнинг эски бошсуяги топилган, бу эркак сайғоқ табиий равишда ўлганлигини англатади. А. Нурижонов 2010 йилдаги ҳисоботида Возрождение оролининг Жануби-Ғарбий



Возрождение оролининг жануби-ғарбий қисмида топилган табиий сабабларга кўра ўлган эркак сайғоқнинг бош суяги. Александр Есипов сурати

қисмида сайғоқларни қўзилаш жойлари топилганлигини, бунини 2017 йилда биз ўтказган сўров пайтида маҳаллий аҳоли тасдиқлаганини айтиб ўтади. Афсуски, машиналаримизнинг ўтишига халақит берган ботқоқликлар туфайли бу жойга боришга уринишимиз муваффақиятсиз якунланди.

Возрождение ороли ва унинг атрофидаги жойлардаги кузатувларимиз, А.Нурижонов ва маҳаллий аҳолининг сўровлари билан солиштирганда, сайғоқларнинг сони сўнгги 10 йил ичида, 2007 йилда, орол яриморолга айланган пайтдан бошлаб камайганлигини кўрсатмоқда. Тадқиқотлардан кўриб турибди-ки, Мўйноқ, Кубла-Устюрт ва Қораузқоқ қишлоқларидан одамлар Возрождение оролига браконьерлик қилиш учун борганлар. А. Нурижонов (2010) браконьерлик излари мавжудлигини кўрсатмоқда: мотоцикл излари, ҳайвонлар юрадиган сўқмоқларда тузоқлар, ов милтиғидан қолган ўқлар шулар жумласидандир. Шунингдек, собиқ Беллинсгаузен оролида ҳам шунга ўхшаш браконьерлик изларининг гувоҳи бўлдик: шохли аралаган сайғоқнинг чаноғи ва суякларини топилган. Булардан ташқари, у ерда эски метеостанция ва уй қолдиқларига дуч келдик. Браконьерлар бу ердан хордиқ чиқариш мақсадида фойдаланган бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бошқа томондан, сайғоқларнинг ўзлари оролни янги ерга кўчиш мақсадида тарк этган бўлишлари мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, собиқ ороллар қимматбаҳо ем-хашак ўсимликларига бой. Кеч баҳорда асосий яйловларнинг (*Salsola orientalis*) ҳосилдорлиги камида 15-17 ц/га, шувуқлар (*Artemisia terrae-albae*) эса 20 ц/га дан юқори бўлиб, бу Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида кузатилмайди (Шомуродов, 2017). Бу яйловлар сайғоқларни озиқ-

Мақолалар (давоми)

овқат билан таъминлайди, айниқса қиш ва баҳорда сайғоқлар Возрождение оролидан ташқарига озиқ-овқат топиш учун кўчиб ўтишлари даргумон. Сайғоқларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қўшимча омиллардан бири янги йўлларнинг қурилиши туфайли оролга етиб боришни осонлаштирган нефть ва газ компанияларининг фаолияти бўлиши ҳам эҳтимол (2014 йилга қадар Aral Sea Operating Company ходимлари оролда газ конларини қидириб топганлар). Бундан ташқари, 2008 йилда сайғоқлар ва бошқа ёввойи ҳайвонлар чанқоғини қондириш учун фойдаланадиган иккита қўлдан биттаси геологлар томонидан техник эҳтиёжлар учун сувни тортиб олиш натижасида қуриб битди. Балки, сайғоқлар сув илинжида ярим оролнинг шимолий қисмига, Қозоғистон ҳудудига кўчиб ўтишга ёки жанубдан қитъага йўл олишга мажбур бўлишгандир. Бизнинг кузатишларимиз давомида барча қўллар аллақачон қуриб бўлган эди.

Шундай қилиб, бир қанча салбий омиллар, жумладан, тўғридан-тўғри ва билвосита антропоген таъсир, шунингдек, Возрождение оролида сайғоқ



Беллинсгаузен оролида шохлари аралаб олинган сайғоқнинг бош суюғи. Елена Быкова сурати

популяциясининг ҳолатига таъсир кўрсатган Орол денгизининг пасайишидир. Яна бир бор таъкидлаш керакки, Возрождение ороли икки мамлакат ичида жойлашган: Ўзбекистон ва Қозоғистон. Қозоғистон томондан бизда сайғоқларнинг ҳолати тўғрисида маълумот йўқ.

Ушбу ишни молиявий қўллаб-қувватлагани учун People's Trust for Endangered Species ташкилотига миннатдорлик билдирамыз.

Менинг буюк ишларимга, барча замон, мамлакат ва денгизлар Ҳукмдорининг ишларига назар солинг: Орол денгизи – оптимизм учун асосни қаердан топамиз?

Э. Дж. Милнер-Гулланд Сайғоқларни асраш бўйича бирлашма ej.milner-gulland@zoo.ox.ac.uk

Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон таркибидаги маъмурий маркази бўлган Нукус бутун дунёга қутилмаган тарзда танилган: Ўзбекистоннинг энг чекка бурчагида Совет Иттифоқида Игорь Савицкий томонидан жамланган замонавий рассомчилик санъатининг ажойиб тўплами мавжуд. Мен музей залларида сайр қилиб, йигирманчи асрнинг бошларида – уфққа чўзилган, балиқ овлаш қайиқлари, бандаргоҳлар ва бозорлар, дарахтлар соясида ишлаётган ёки шунчаки Амударё қирғоқларида сайр қилаётган суратларни кўриб қойил қолдим.

Эртаси куни биз шаҳар чеккасида кетар эканмиз, Ўзбекистон Фанлар академиясининг археологи ва раҳбаримиз, глобал экологик ва ижтимоий офат

эпицентри бўлмиш Орол денгизи яқинидаги Мўйноқ шаҳрида ўсиб улғайган Октябрь Доспановнинг




Балиқ овлаш кемаси, Мўйноқ, 1970 йил (муаллиф – Вадим Мадгазин)

Мақолалар (давоми)

ҳикояларини тингладик. Унинг айтишича, болаликдаги дўсти, бир пайтлар Мўйноқ консерва ишлаб чиқариш заводи директори, корхонанинг ёпилиши ва оқибатда 2000 киши ишсиз қолишини эшитгач, ўз жонига қасд қилган экан. Бундан ташқари, унинг ота-онаси эллик ёшида заҳарли кимё моддаларини ўз ичига олган чангдан нафас олиб, минтақада кенг тарқалган дард – саратон касаллигидан вафот этгани ҳақида сўзлаб берди. Бир вақтлар Мўйноқнинг улкан порти ва денгиз базаси бўлган, Иккинчи Жаҳон уруши пайтида эса бутун минтақа аҳолиси фронтга кетган. Собиқ Совет Иттифоқи барча Республикаларидан одамлар балиқ овлаш саноатида ишлаш учун кўчиб келишган, Мўйноқ консерва заводида ишлаб чиқарилган консерва балиқлари Совет Иттифоқи бўйлаб тарқатилган ва дўстона мамлакатларга экспорт қилинган. Балиқ увилдириғи шу қадар кенг тарқалган эдики, Октябрь оғанинг онаси уни ўзи ёпган нонга ҳам қўшган экан.

Орол денгизининг бу қисми пахта етиштириш учун (кимёвий воситалардан кенг фойдаланган ҳолда) Амударёдан сувни ҳаддан ташқари тортиб олиш натижасида йўқолди. Вазият Амударёнинг юқори оқимидаги давлатлар томонидан дарё сувидан фаол фойдаланиш, шунингдек, иқлим ўзгариши натижасида янада кучайди, натижада Помир тоғларида музликлар майдони камайиб, бутун минтақада ёгингарчилик камайди. Айтилган пайтда дарё Нукусга зўрға етиб боради ва Мўйноқдан 200 км узоқликда қурийд.

Совет ҳукуматининг бу авж олаётган фожеага нисбатан биринчи муносабати – стратегик муҳим ҳисобланган Мўйноқ портидан чекинаётган ден-



Мўйноқ мактабининг ўқувчиси чизган сайғоқларнинг суратлари



Мўйноқдаги ташландиқ кемалар, май 2018. Э. Дж. Милнер-Гулланд сурати

гиз томон канал қуриш эди, аммо сув шу қадар жадал қурий бошлади-ки, ҳукумат ушбу канални атиги 25 км қазиб, сўнг ушбу корхонани тарк этишга мажбур бўлди. Бир мунча вақт завод бошқа жойлардан келадиган хом ашё туфайли ишлашни давом эттирди, аммо охири-оқибат у мағлубиятини тан олди. Мўйноқнинг маёқчасини кўриш мумкин бўлган Орол денгизининг қуруқ тубига маҳкам ўрнашган кемалар орасида борганимизда, Шеллининг «Озимандия» сонетидаги сатрлари хаёлимга келди:


Менинг буюк ишларимга, барча замон, мамлакат ва денгизлар Ҳукмдорининг ишларига назар солинг:

Ҳеч нарса йўқ... Чуқур сукут...
Ўлик саҳро... Ва у узра осмон...

Биз сайғоқларни асрашни тарғиб қилаётган мактаб ўқувчилари учун байрам ташкил қилиш ва ҳамкорликда фаолият олиб бориш истиқболларини муҳокама қилиш учун Мўйноққа келдик. Мактаб деворлари оқ рангда бўлиб, у эски бинода жойлашган. Мўйноқ шаҳрининг ўзи ҳам бир қаватли иморатлардан ташкил топган ўзига хос масканга айланган. Баъзан сайёҳлар бу ерларда занглаб бораётган кемаларни кўриш учун келишади, аммо уларни бу ерда ушлаб турадиган ҳеч нарса йўқ.

Мактабда ўтган вақтимиз жуда таъсирли ва қувноқ бўлди – ўқувчи ва ўқитувчилар бизни катта ҳаяжон билан кутиб олишди. Улар ҳеч қачон кўрмаган ҳайвоннинг чизган расмларини кўрсатишди. Сайғоқлар Ўзбекистонни тарк этишни истамайдилар ва ҳозир уларнинг кўп қисми браконьерлар етиб олиши учун қийин бўлган Орол денгизининг собиқ тубида янги барпо этилган чўлни эгаллаганлар. Сайғоқларни асраш уюшмасидаги ҳамкасбларим мактаб ўқувчилари ва уларнинг ўқитувчилари билан ҳамкорликда браконьерликни ижтимоий

Мақолалар (давоми)



Modis маълумотларига кўра 2001-2012 йилларда ўсимликларни қоплаш NDVI индексидаги тенденциялар: денгизнинг аввалги тубида ўт-ўланлар ўсиб боришига қарамай, дарё дельтаси қуриб қолган (Bull et al. 2015, Land Use Policy).

номақбул фаолиятга айлантириш бўйича иш олиб боришни режалаштирмоқдалар.

Ўша куни кечқурун Нукусга қайтар эканман, мен ҳозиргина инсоннинг бутун дунёга таъсир этаётган салбий фаолиятининг даҳшатли оқибатларини кўрганлигимга қарамай, яхши кайфиятда эдим. Мактабга бориш ва экологик таълим имкониятларини кўриш жуда ёқимли эди, аммо бу ягона нуқта эмас эди. Денгизнинг аввалги тубига ўсимликлар экиш фойда бермади. Мўйноқ яқинида ҳудудни қақшатқич чанг бўронларидан ҳимоя қиладиган ва кўплаб қушларнинг жаннатига айланган гўзал сунъий сув ҳавзаларини кўриш ёқимли, албатта. Бироқ, бу ҳам менда ҳозирча келажакка умид билан қарашимга сабаб бўлмади.

Ушбу минтақанинг тарихи узоқ муддатли ва кенг кўламли қирғин билан боғлиқ бўлиб, унинг доирасида табиий бойликлардан кўр-кўрона фойдаланилди ва натижада сўнги йилларда экологик ва ижтимоий инқироз бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетди. VIII асрда Зардушт маданияти ва Зардуштий ёдгорликларини вайрон қилган араб истилочилари бу ерни босиб олишди. XIII асрда Чингизхон улкан ҳудудларни сув билан таъминлайдиган каналлар тизимини, шунингдек шаҳарларни ва диққатга сазовор биноларни вайрон қилди, ҳамма жойда ўзининг тартибини ўрнатди.

Авваллари мавжуд бўлган маданиятларнинг изларини ҳам табиий, ҳам шаҳар ландшафтларининг хусусиятларида кўриш мумкин. Мўйноқда Совет тузумининг таъсирини кузатдик. Шунингдек, бизга Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидаги оммавий ва туризм бозорига киришга уриниш пайтида осонгина йўқ бўлиб кетиши мумкин бўлган маданий ва ижтимоий аҳамиятга эга ҳудудлар ҳақида таҳдидлар ҳақида гапириб беришди. Атроф-муҳитдаги улкан ўзгаришлар ҳам кўзга ташланади. XV асрга қадар Амударё Каспий денгизига бориб қуйилган. У Ипак йўлининг ушбу қисмида ҳаётни таъминлайдиган намликни йўқотиб, сувларини Орол денгизига йўналтирганида, у йўналишни ўзгартириб, Орол денгизи яна кўтарилди ва янги Амударё дельтасида ҳаёт қайнай бошлади. Шундай қилиб, Савицкий музейидаги суратларда кўрган гуллаб яшнаётган Амударё дельтаси ва улкан чўл ўртасида жойлашган денгиз ҳам ўтмишдаги тасаввурга айланди. Ушбу минтақанинг табиати ва одамлари улкан экологик ва сиёсий кучларнинг доимий ҳужуми остида қолган, аммо уларнинг имкониятлари тугаб бормоқда.

Хўш, Оролбўйи минтақасининг келажакига нисбатан оптимизм учун асосни қаердан топиш мумкин? Эҳтимол, келажакда ҳудуднинг барча даражаларида ваколатли экологик бошқарув бўлади,

Мақолалар (давоми)

бунинг натижасида кўпроқ сув денгизга йўналтирилади (сувдан фойдаланиш бўйича халқаро шартномалар тузилиши, қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар ва уни пахта ва гуручдан экологик жиҳатдан барқарор экинларга қайта йўналтиришни жорий этиш) сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланишни таъминлайдиган янги суғориш технологияларидир? Асло. Ҳар ҳолда, бу яқин келажакда амалга ошмайди, чунки бу бошқарув тузилмасини тубдан ўзгартиришни талаб қиладди ва бунга ҳозирча ҳатто ишора ҳам йўқ. Орол денгизи экологик жиҳатдан барқарор, муҳофаза қилинадиган ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган турлар учун хавфсиз портга айланадими? Бунга имконият йўқдек кўринади. Мўйноқ мактаб ўқувчилари соғлом ва истиқболли келажакни кутмоқдами? Бу қийин масала.

Ўзбекистондаги кам сонли ташаббускорларининг фаолиятигина келажакка умид билан назар ташлаш учун сабаб бўла олади. Масалан, Сайғоқларни асраш бўйича уюшмадаги ҳамкасбларим келажак тўғрисида аниқ тасаввурга эга ва қандай қилиб кичик қадамлар билан аста-секин унга эришиш мумкинлигини намойиш этадилар. Улар аста-секин аҳоли орасида институционал, ижтимоий ва индивидуал даражада қизиқиш уйғотиб, Сайғоқ куни каби тадбирларни ташкил этиш орқали, ўқитувчиларга, болаларга ва уларнинг ота-оналарига билвосита табиат қанчалик қадрли эканлигини ва унга нисбатан салбий оқибатларни эътиборсиз қолдириш мумкин эмаслигини айтдилар. Улар сайғоқ каби оз сонли ёввойи табиат вакилларининг яшаш жойларида кўриқланадиган ҳудудларни яратиш зарурлигига ҳукуматни ишон-



Чўл ўсимликларини экиш лойиҳаларини амалга ошириш натижасида Орол денгизининг аввалги тубида пайдо бўлган янги ўсимликлар. Э. Дж. Милнер-Гулланд сурати

тиришга ҳаракат қилмоқдалар. Улар аста-секин инспекторлар ва чегарачиларни профессионал ғурур ҳисси билан илҳомлантирадилар. Улар аёллар учун асл маҳсулотлар яратувчи ҳунармандчилик корхоналарини ташкил этишади. Улар ҳукуматдаги кайфиятнинг ўзгаришидан тортиб, йирик тадбиркорлар (масалан, минтақада таъсири доимий ўсиб борадиган газ ишлаб чиқарувчилар) манфатларини ҳимоя қилиш каби ҳар қандай имкониятдан фойдаланишга тайёрлар. Шунингдек, баъзи халқаро нодавлат ташкилотлари, масалан, Ёввойи табиатни асраш тармоғи (Wildlife Conservation Network) ходимлари биз билан биргаликда Мўйноққа ташриф буюриб, олиб бораётган ишларимизнинг гувоҳи бўлдилар. Ушбу ташкилотлардагилар умидсиз кўринган вазиятлардан чиқиш йўлини топадиган одамларни қўллаб-қувватлаш нақадар муҳимлигини тушунишади.

Табиат ва инсоният, кучи тугаб бораётганига қарамай, қаршилиқ кўрсатишда давом этмоқдалар. Имкониятларимиз чекланган бўлса-да, бу вазиятдан чиқишнинг кўплаб усуллари мавжуд. Гарчи экологик барқарорлик ва ижтимоий фаровонликка олиб борадиган йўл ўта машаққатли ва ундаги тўсиқлар тобора кўпайиб бораётган бўлса-да, менинг матонатли ҳамкасбларим бу йўлда давом этмоқдалар. Айнан шу келажакка умид билан назар ташлашга имкон беради.



Мўйноқ мактабининг ўқувчилари. Э. Дж. Милнер-Гулланд сурати

Мақолалар (давоми)

«Чўлнинг тирик табиати» ассоциациясининг сайғоқларни тутқунликда боқиш тажрибаси

Миноранский В.А. «Чўлнинг тирик табиати» ассоциацияси priroda.rostov@yandex.ru

Камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонлар турларининг асрашдаги муҳим йўналишлардан бири — бу уларни тутқунликда кўпайтириш, кейинчалик эса айрим гуруҳини табиатга чиқаришдир. Сайғоқларни ҳайвонот боғларида сақлашга уринишлар XIX-XX асрларда Америка, Европа ва Осиёда юз берган, аммо уларнинг тутқунликда қирилиб кетиши ҳамма жойда қайд этилиб, ҳайвонот боғлари раҳбарлари бу жониворлардан воз кечишига олиб келди (Каримова ва бошқалар, 2017). Сайғоқни кўпайтириш ишлари Россия, Хитой, Украина ва Қозоғистон кўриқхоналарида олиб борилмоқда, бу ерда ҳам ушбу соҳанинг ривожланишини оғирлаштирадиган бир қатор қийинчиликлар юзага келмоқда. «Аскания-Нова» кўриқхонасида 1888 йилдан 1958 йилга қадар сайғоқларнинг 19 та партияси олиб келинди, аммо уларнинг подалари 1979 йилда вужудга келиб, улар 807 ва 1550 гектар ўлчамдаги майдонларга жойлаштирилди. Сайғоқларни тутқунликда кўпайтириш тарихи Т. Ю. Каримованинг илмий мақоласида (2017) батафсил тасвирланган.

XX-XXI асрлар оралиғида Ростов вилояти Қонунчилик палатаси депутати А.Узденовнинг ташаббуси билан яратилган «Чўл ёввойи табиати» уюшмаси (кейинги ўринларда Уюшма)нинг асосий вазифаларидан бири ноёб чўл ҳайвонларини сақлаш, шу



Сайғоқни янги кўрага киритилиши. «Чўлнинг тирик табиати» уюшмасининг сурати

жумладан уларни сунъий шароитда сақлашдан иборатдир. Сайғоқларни махсус жойларда кўпайтириш бўйича ишлар Манич даштларида жойлашган Европа даштларининг ноёб ҳайвонлар марказида (бундан кейин — Марказ) ташкил қилинган, бу ерда бир неча ўн йиллар олдин бу жонзотлар савдо-сотик учун мўлжалланган тур ҳисобланган. Уюшма ходимлари манбалардаги маълумотларини таҳлил қилиб, «Аскания-Нова» кўриқхонасида ва Қалмиқ Республикасидаги Ёввойи ҳайвонлар марказида ишлаш тажрибаси билан танишиб, 2004 йилда марказда Қалмиқ даштларида ушланган 10 бош ёш ҳайвонни кўчириб ўтқизиш учун биринчи кўраларни кўрдилар. Унда сайғоқ учун қулай катта ўлчамлари ишлаб топилди. Йилнинг турли мавсумларида катта ва ёш сайғоқлар учун ем-хашак, озиклантириш вақти ва ёш ҳайвонларни сунъий озиклантириш учун аралашмаларнинг таркиби аниқланди. Ҳайвонларнинг кўриқхоналар орасида тақсимланиши ёши, жинси, физиологик ҳолати ва сонига қараб ўрнатилди. 2013 йилга келиб, турли хил ўлчамдаги ва турли мақсадларда ишлатиладиган 18 та катта мавжуд эди. Бу ишда Россия Фанлар Академиясининг А. Н. Северцов номи ИПЭЭ ходимлари, ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера», Ёввойи ҳайвонлар маркази, «Центрохотконтроль» ГУ, «Қора ерлар» кўриқхонаси ходимлари ва бошқалар катта ёрдам беришди.

2008-2011 йилларда Марказда ҳайвонларнинг ўлимидан сезиларли даражада қисқартириш, сайғоқларни 60-70 тага етказиш имконини берди. 2010 йилдан бошлаб марказда сайғоқлар сонининг кўпайиши тўхтатилди, бу улар сақланадиган майдоннинг доимий равишда кенгайтирилиши, кўшимча объектларнинг қурилиши, ҳайвонларга хизмат кўрсатиш учун янги ходимларни жалб қилиш ва бошқалар бунга сабаб бўлди. 2 ёш ва ундан катта бўлган урғочилар урчишлари мумкин эди. Уюшмада олиб борилган ишларнинг батафсил ҳисоботи В. А. Миноранский ва С. В. Толчеев китобида жамланган (2010).

Сайғоқни парвариш қилиш технологияси ҳайвонларга сунъий шароитда кўпайиш имконини

Мақолалар (давоми)

беради. Сайғоқлар тезда одамларга ўрганади, «уй ҳайвонига айланади» ва улар тутқунликда сақланади, тадқиқотчилар ва экотуристлар учун очиқ бўлишади. 2013 йилда Уюшмадаги олимлар, кўриқхоналар ва ҳайвонот боғлари мутахассислари иштирокида «Сайғоқни сақлаш ва кўпайтириш» (*Saigatarica L.*) халқаро конференциясини ўтказди, унда бу муаммо атрофича муҳокама қилинди ва сайғоқни сақлаш чораларини янада ривожлантириш бўйича тавсиялар берилди.

2009 йилда Астрахань жамоатчилиги фермасининг «Сайғоқ» кўриқхонасида ва 2014 йилда Қалмиқ Республикаси Ёввойи ҳайвонлар марказида, 2015 йилда Қозоғистонда ва 2017 йил декабрда Мўғулистонда табиий шароитда ҳайвонларнинг оммавий қирилиши Уюшма ходимларини сайғоқни сақлаш бўйича ишларни кенгайтиришга мажбур қилди. Шундай қилиб, 2015-2016 йилларда Марказда жойлашган сайғоқлар Марказдан 50 км узоқликдаги Маничский даштидаги станцияда қурилган 63 гектарлик кўшимча кўраларга кўчирилди.

Аввал ҳайвонлар икки гуруҳга бўлинган бўлиб, бу ушбу турга мансубларнинг бир қисмини критик ҳолатларда (оммавий тарқалиш, бошқа ноқулай шароитларда) тежашга имкон берган. Бундан ташқари, бир гуруҳ ҳайвонларнинг катта кўраларда ярим эркин шароитда сақланиши уларнинг сонини кўпайтириш ва табиатга чиқариш учун захира яратишга имкон берди. 2017 йилда 512 гектар майдонда ноёб ва қимматбаҳо ҳайвонлар гуруҳи ташкил этилди. Сайғоқ гуруҳини сақлаш учун тўрдан деворли тўсиқлар қурилди. Ичимлик суви учун қу-



Сайғоқчаларни сунъий озиклантириш. «Чўлнинг тирик табиати» уюшмасининг сурати



Сайғоқларни пичан билан боқиш. «Чўлнинг тирик табиати» уюшмасининг сурати

дук қазилди ва ичимлик охурлари яратилди. Пода худудининг аниқ рельефи ҳайвонларга бу жойнинг бурмаларида яширинишга имкон берди. Мазкур кўраларда Пржевальский отлари, туялар сақлана бошланди ва бошқа ҳайвонлар у ерга вақти-вақти билан жойлаштирилиб борилди.

Сайғоқларнинг янги кўраларга чиқарилиши 2017 йил баҳорида «Воспетаая степь» Умумроссия экотуризм фестивали пайтида бўлиб ўтди. Россия Президентининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология ва транспорт масалалари бўйича махсус вакили С. Б. Иванов, Россия Федерацияси табиий ресурслар вазирлиги бошлиғи С. Е. Донской, Ростов вилояти губернатори В. Ю. Голубев ва бошқалар ҳайвонларни кўраларга жойлаштириш ишларида иштирок этдилар. Бугунги кунда Марказда 14 сайғоқ яшайди. Иккинчи гуруҳ, 37 сайғоқдан иборат бўлиб, ноёб ва қимматбаҳо ҳайвонларнинг махсус кўрасида жойлашган. Ҳозирда кўрани яхшилаш, унга сайғоқларнинг мослашиш даражасини аниқлаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шунинг ҳам айтиш керакки, 5 йил давомида табиатдан ёки бошқа жойлардан янги сайғоқлар бу ерга келиб тушмаётгани қийинчиликлар туғдирмоқда. Зотан, баъзи урғочилар қисир бўлиб қолмоқда, баъзида урғочилар насл қолдириш пайтида нобуд бўлишмоқда (ёки биттадан кўп насл қолдиришмайди). Бу эса янги сайғоқларни қўлга киритиш зарурлигини кўрсатади. Уюшма ҳайвонларни ярим эркин ҳолда кўралар худудиде сақлаш учун майдонни 2114 гектаргача кенгайтириш масаласини муҳокама қилмоқда.

Сайғоқни тутқунликда кенг ва самарали кўпайтиришга тўсқинлик қиладиган муаммолар бу соҳа-

Мақолалар (давоми)

да табиатни муҳофаза қилиш давлат идоралари эътиборининг йўқлиги, қонунчилик базасининг етарли эмаслиги, бу ишларнинг илмий жиҳатдан етарли даражада таъминланмаганлиги ва малакали мутахассисларнинг камлиги, маблағларнинг етишмаслиги ва бошқалардан иборат. Бундан ташқари, йўқолиш арафасида турган сайғоқни Россия Федерациясининг Қизил китобига киритиш масаласи йиллар давомида муҳокама қилиниши одамни ажаблантиради. Кўпинча сайғоқларнинг тақдири етарли маълумотга эга бўлмаган амалдорлар, турли хил малакаси мутахассислар ва бошқа шахслар томонидан белгиланади. Уларнинг тавсиялари билан шуғулланиш керак, уларни амалга ошириш тутқунликда бўлган ҳайвонлар гуруҳига зарар етказиши ёки ҳатто уларнинг нобуд бўлишига олиб келиши мумкин. Ҳайвонларнинг ҳар бир тури ўзига хос бўлган жуда кўп биологик хусусиятларга эга ва ҳатто уй ҳайвонларининг яхши мутахассиси (чорва мутахассиси, зоолог, ветеринар) сайғоқ ва бошқа ноёб турлар билан ишлашда хато қилиши мумкин. Ҳайвонот боғлари ва парваришхоналар ходимлари орасида юқори даражали мутахассислар мавжуд. Лекин улар сайғоқни қўраларда кўпайтиришдаги қийинчиликлар

ҳақида гапиришар экан, уларга ишониш мушкул. Тажрибадан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, турли хил ҳайвонларни тутқунликда кўпайтириш мумкин, лекин бунинг учун маълум шарт-шароитлар яратилиши керак.

2013 йил билан таққослаганда, сайғоқни сунъий шароитда кўпайтириш бўйича биринчи конференция ўтказилганда, 2017 йилга келиб, уни ярим эркин шароитда ва табиатни сақлашда маълум ютуқларга эришиш мумкинлиги маълум бўлди. Бироқ, бу муваффақиятлар жуда кам ва Россияда сайғоқни сақлаш муаммоси очиклигича қолмоқда. Сайғоқни кўпайтириш бўйича халқаро семинар иштирокчилари 2017 йилда Россия Фанлар Академияси А.Н.Северцов номидаги ИПЭЭ олимлари (*Saiga News*, № 23) сунъий шароитда сайғоқ таркибини яхшилаш ва кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишди ва ҳозирда уларнинг амалга оширилишига умид бор (<http://saiga-conservation.org/wp-content/uploads/2017/09/CBW-meeting-report.pdf>).



Сайғоқлар кўраси. «Чўлнинг тирик табиати» уюшмасининг сурати

Янги нашрлар

Сингапурда сайғоқ шохларига бўлган истеъмол талабини ўрганиш

Мэрил Тренг, Дженни Гликман, Э.Дж. Милнер-Гулланд Орикс 52, с. 736-742, 2018

<https://www.cambridge.org/core/journals/oryx/article/exploring-saiga-horn-consumption-in-singapore/7BB3E9739F1422D661DCDF36A9DC770A>

Сингапур сайғоқ шохини савдосининг йирик маркази ва сайғоқ шохини маҳсулотлари ички бозорда кенг тарқаладиган муҳим истеъмолчи мамлакатдир. Шунга қарамай, биз ушбу маҳсулотларга ички талабни яратадиган истеъмолчилар ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишдан олдин, истеъмолчининг кимлигини ва савдонинг сабаблари нима эканлигини тушуниш керак. Биз сайғоқ шохлари учун истеъмол бозорини, истеъмолчилар демографиясини, уларнинг билимлари ва мотивациясини ўрганиб чиқдик, 230 нафар хитой миллатига мансуб сингапурликлардан интервью ва анкеталар орқали сўров ўтказдик. Замонавий истеъмол талаби (олдинги 12 ой ичида) нисбатан юқори – 13 %. Ёшлар (18-35 ёш) кўпинча кекса

оила аъзоси ёки дўстининг таъсирига берилиб, сайғоқ маҳсулотларини ишлатадилар (25 %). Сайғоқ шохидан тайёрланган суюқлик энг машхур маҳсулот (50 %), сўнг қириндиси (31 %) ва таблеткалар (13 %). Барча респондентларнинг экологик муаммолар ва қонунлар тўғрисида хабардорлиги тенг даражада паст эди. Хабардорликни ошириш Сингапурда истеъмолчилар талабининг пасайишига таъсир кўрсатиши мумкин. Бироқ, ушбу тадқиқот тажрибали бўлганлигини ҳисобга олсак, у кам ўрганилган, аммо муҳим истеъмолчилар гуруҳининг — хитой миллатига мансуб сингапурликларнинг хулқ-атворини ўзгартириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича келгусидаги тадқиқотлар учун услубий ва ахборот базаси сифатида энг яхшисидир.

Тутқунликдаги сайғоқлар: сақлаш ва насл олишдан то табиатга чиқаришгача

Каримова Т.Ю., Луцкекина А.А., Рожнов В.В. М.: Товарищество научных изданий КМК, 2017. 117 с.

Ушбу китоб сайғоқларнинг кўпайиш тарихи ва таркиби (*Saiga tatarica*) ҳақидаги барча мавжуд адабий манбаларнинг таҳлили бўлиб, турли шароитларда (ҳайвонот боғлари; ярим эркин шароитга эга марказлар; кичик парваришхоналар), шунингдек тутқунликдаги сайғоқларни ёввойи табиатга чиқаришга уринишлар ҳақидадир.

Рус тилидаги нашрнинг тўлиқ матни билан қуйидаги манзилда танишишингиз мумкин: http://saiga-conservation.org/wp-content/uploads/2017/03/saiga-in-captivity_2017.pdf инглиз тилида: http://www.sev-in.ru/sites/default/files/inline-files/Рожнов_2018%20%28%29.pdf

Ёввойи ҳайвонларнинг юқумли касалликлари хавфини тезкор баҳолаш

Венди Бове, Штеффен Цутер, Шанталь Вильнев, Ричард Кок, Хавьер Гайтян

<https://royalsocietypublishing.org/doi/full/10.1098/rsos.181043>

Камдан-кам учрайдиган ҳодисалар эҳтимолини башорат қилиш менежерлари томонидан тобора кўпроқ талаб қилинмоқда. Асосий муаммо турли хил ноаниқликлар, жумладан билимларнинг етишмаслиги, тасодикий ҳодисалар ва табиий ўзгариш билан боғлиқ. Юқори даражадаги ноаниқлик билан потенциал ҳалокатли ҳодисалардан бири бу уй ҳайвонларидан ёввойи, айниқса кам

учрайдиган ҳайвонларга касалликларнинг юқишидир. Бундай ҳоллар, кўпинча асосий маълумотларнинг етишмаслиги, масалан, уй ҳайвонларида патогеннинг мавжудлиги ёки ёввойи ҳайвонларнинг ушбу турининг инфекцияга мойиллигидадир. Биз БҲСТ (Бутунжаҳон ҳайвонлар саломатлиги ташкилоти) ҳатарни баҳолаш тизимини, ҳайвонларнинг мавсумий ҳаракатини ва турли хил фазо-

Янги нашрлар (давоми)

вий ва вақт чегараларида турларнинг ўзаро таъсири ҳисобга олган ҳолда, чорва касалликлари билан боғлиқ ҳатарини зудлик билан баҳолаш ва устуворлик қилиш учун мослаштирдик. Биз сайғоқларга (*Saiga tatarica tatarica*) ушбу усулдан фойдаланиш имкониятини кўрсатдик, шунда касаллик

юқиши камайиши ва кичик географик ҳудудлар билан чекланганини аниқладик. Бироқ, уларнинг таъсири жуда катта бўлиши мумкин. Бруцеллёз ва оғиз бўшлиғи касаллиги бекпау-далин популяциясида чорва молларидан сайғоққа юқадиган касалликлар сирасига киради.

Сайғоқларни сақлаш — улар учун ҳаёт мазмуни

Муҳаррир изоҳи:

Ҳурматли ўқувчи, одатда ушбу бўлимда биз ўз ҳаётини сайғоқларни сақлашга бағишлаган одамлар тўғрисида суҳбатлашамиз, уларга ҳаёти, иши ва сайғоқни сақлаш истиқболлари ҳақида саволлар берамиз. Аммо бу сафар биз анъаналардан воз кечиб, энди интервью ололмайдиган ва табиатни сақлаб қолиш, реликт антилопасини сақлаб қолиш учун ўз жонини беришга тайёрлигини исботлаган одам ҳақида гаплашишга қарор қилдик. Бу Қозоғистон Республикаси «Охотзоопром» инспектори Ерлан Нургалиевдир. У ҳамкасби Пётр Ницик билан биргаликда браконьерлар билан курашга киришган ва жиддий жароҳат олган. 15-январь куни Эрлан жиддий жароҳатлар туфайли вафот этди, Пётр яраланиб, касалхонага тушган. Браконьерлар ҳибсга олинди.

Saiga News муҳаррирлари Ерланни яхши биладиган Қозоғистон био хилма-хилликни сақлаш уюшмасидаги ҳамкасбларига марҳумнинг ҳаёти ҳақида батафсил маълумот олиш учун мурожаат қилишди.

Биз бу йилги анъанавий «Сайғоқни асрашдаги муваффақияти учун» йиллик мукофотини Ерлан Нургалиевга (вафотидан сўнг) берилишини эълон қиламиз ва Пётр Ницикга соғайиб кетишини тилаб қоламиз.

Спортчи, жасур, билимдон...

«Охотзоопром» РКГП ПО бүйича ҳамкасблари Ерлан Нургалиевни шундай тавсифлайдилар. Ерлан Нургалиев - олий педагогик маълумотга эга бўлган мутахассис, ҳарбий тайёргарлик ўқитувчиси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фахрийси, нафақадаги майор эди. 2012 йилда у «Охотзоопром» ДУКга ишга келади ва шу заҳоти инспектор лавозимига қабул қилинади. Ҳамқишлоқлари уни ҳурмат қилишарди, ҳамкасблари орасида обрў-эътиборга эга эди, оиласини жонидан ортиқ яхши кўрарди. Ҳамкасблари Ерланни ўта жасоратли инсон бўлганини кўп эслашди. Браконьерлар билан курашда унинг худди мана шу хислати ҳал қилувчи омиллардан бўлган бўлиши мумкин.

«Ерлан Нургалиевнинг бу мардлиги давлат муко-

фотига лойиқ, деб ўйлайман. У туғилиб ўсган қишлоқда ҳайкали ўрнатилиши, кўчалардан бирини унинг номи билан аталиши лозим», деб ёзади «Литер» газетасида «Охотзоопром» корхонаси директорининг муовини Жаннат Тансиқбоева. «Қозоғистонликлар Ерлан каби мард инсонлар билан фахрланишлари зарур».

Фотосуратчи Яков Фёдоров «Охотзоопром» инспекторлари ишидаги хотиралари билан ўртоқлашди. «2017 йили репортаж тайёрлаш жараёнида мен инспекторлар билан ишлаш имконига эга бўлдим, улар жуда содда ва очиққўнгил инсонлар эди. Улар иш кунлари қандай ўтиши, баъзида тунларда соатига 140 км тезликда жиноятчиларнинг ортидан қувишга тўғри келгани ҳақида сўзлаб бериш-

Сайғоқларни сақлаш — улар учун ҳаёт мазмуни (давоми)

ди. Уларнинг айтишича, ким браконьерларга қарши, ким улар томон — билиш мушкул эмиш. Чунки маҳаллий чўпонлар қонун доирасидан чиққанларни қўлга олишда ёрдамчи бўлишлари ҳам, баъзида эса уларни қонун доирасида жавобгарликдан қутилиб қолишларига кўмаклашишлари ҳам мумкин экан».

Эслатиб ўтамиз, 2019 йил 13 январь куни Қарағанда вилоятида инспекторлар Ерлан Нургалиев ва Петр Ницик браконьерларни таъқиб қилаётган чоғида улар қаршилиқ кўрсатган, оқибатда Ерлан Нургалиев жиддий жароҳатлар олган ва бир неча

кундан сўнг касалхонада вафот этган.

Ички ишлар вазирлигининг Жиноят полицияси томонидан Қизил Ўрда шаҳридаги уйлардан бирида «Охотзоопром» инспектори Ерлан Нургалиевни ўлдиришда гумон қилинаётган уч киши қўлга олинди. Далиллар базасини йиғиш ва мустақамлаш бүйича тергов ишлари олиб борилмоқда. Уч гумондор вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштирилган. Ҳозирги кунда тергов ишлари давом этмоқда.

Қозоғистон биологик хилма-хилликни сақлаш уюшмаси



Ерлан Нургалиев сайғоқча билан. Оспан Али сурати

Бизнинг йўқотишларимиз

Анатолий Васильевич Хлуднев хотирасига бағишланади

3 октябры 1952 йил — 10 июля 2018 йил

2018 йил 10 июль куни эрта тонгда барчамиз учун чексиз азиз бўлган инсоннинг юраги уришни тўхтатди — бу Анатолий Васильевич Хлуднев. Бу ажойиб инсоннинг меҳрибон юраги уришдан тўхтаганини этишгач, у энди орамизда йўқ эканига ишонгимиз келмасди.

Ҳақиқий ватан химоячиси оламдан ўтди. Умрини қуролли кучларда хизмат қилишга бағишлаган Анатолий Васильевич нафақага чиққач, у ўзини Астрахань ўлкасининг табиатини химоя қилишга бағишлади. У Шимоли-Ғарбий Каспийнинг сайғоқ популяциясини сақлаш бўйича саъй-ҳаракатлари билан бутун дунёга танилган «Степной» давлат табиат қўриқонасининг биринчи директори лавозимида фаолият олиб борди. Айнан ўша пайтларда Анатолий Васильевич Сайғоқларни сақлаш бўйича уюшма томонидан ташкил этилган кўплаб

тадбирларда иштирок этиб, бутун дунёдаги ҳамкасбларини қўриқонага таклиф қилган.

Анатолий Васильевич, қўмондон сифатида, баъзида ўз ҳаётини хавф остига қўйган ҳолда, ўзининг кичик армиясини қўриқона режимини бузувчиларга қарши мурасасиз курашга бошлади ва халқаро экологик ҳамжамият томонидан бир неча бор таъкидланган юқори натижаларга эришди. Анатолий Васильевичнинг саъй-ҳаракатлари билан «Степной» ёввойи табиат қўриқонаси сайғоқ популяциясини йил бўйи мониторинг қилиш, маҳаллий аҳолининг хабардорлигини ошириш ва экологик таълим бўйича иш бошлади. Қўриқона ҳудудида Анатолий Васильевич ташаббуси билан яратилган экологик «сўқмоқ» ёрдамида, қўриқонада эҳтиёткорлик билан сақланган сайғоқни ўз кўзлари билан кўришни ва Астраханнинг ноёб та-



Бизнинг йўқотишларимиз (давоми)

биати билан танишишни истаганлар тобора кўпроқ жалб этилмоқда. Анатолий Васильевичнинг кучли томонларидан бири бу нафақат ўз жамоаси билан, балки қўриқонада яшовчи маҳаллий фермерлар билан ҳам алоқа қилиш ва ишлаш қобилияти эди, бу эса кўплаб фермерларни табиат химоячиларига айланишларига имкон берди. Рисоламиз умрини сайғоқларни асрашга бағишлаган инсон — Анатолий Васильевич ҳақида ёзган эди (*Saiga News*, №21).

2013 йили Анатолий Васильевич Астрахань вилоятидаги «Волга-Ахтуба дарё оралиғи» табиий боғига директор лавозимида тайинланди. У қўриқонада орттирган 13 йиллик тажрибасига таянган ҳолда,

Астрахань вилоятида браконьерликнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, экология мавзусида саводхонлигини ошириш каби масалаларга эътиборини қаратди.

Афсуски, яхши инсонлар биринчилар қаторида бу дунёни тарк этадилар...

Анатолий Васильевичнинг тимсоли доимо қалбимизда муҳрланиб қолади. У умрининг сўнгги йилларида Астрахань вилоятининг табиатини асрашга бағишлаган меҳрибон, қувноқ ва ажойиб инсон эди.

Сайғоқларни сақлаш бўйича уюшма

Миннатдорчиликлар

Биз Сайғоқни асраш бўйича альянс ишларини қўллаб-қувватлаш учун ўз пулларини хайр-эҳсон қилган ва вақтини сарфлаган барча инсонларга чуқур миннатдорчилик билдирамыз. Бу сон нашр қилинишини қўллаб-қувватлаган Кўчиб юривчи турлар бўйича конвенция номига алоҳида миннатдорчилик билдирамыз.



SAIGA CONSERVATION ALLIANCE

Сайгоқларни сақлаш бўйича уюшма:
www.saiga-conservation.com

Сайгоқ бўйича ресурс маркази:
www.saigaresourcecentre.com

Email: mail@saiga-conservation.com

©Saiga Conservation Alliance 2019 /
Registered charity England and Wales

© Андрей Гилев ва
Карина Каренина